O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 5 январь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 1 (7404)

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ» АНИҚЛАНДИ 2-БЕТ

«МЕҲМОНХОНА»ДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЁҚУБ АҲМЕДОВ 5-БЕТ

ЮЗ ХОТИР ҲАҚИҚАТНИНГ БЕЛИНИ ҚАЙИРАДИ 6-7-БЕТЛАР

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТАҲЛИЛИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ 10-БЕТ

ИНСОН МИЯСИНИНГ АТЛАСИ ЯРАТИЛМОҚДА 12-БЕТ

ЎЙИНЧОҚ ҚАРСИЛЛАДИ, ЮРАКЛАР ЧАРСИЛЛАДИ 12-БЕТ

БЕЗГАККА «ЎТ ОЧГАН» ОЛИМ 13-БЕТ

ЕВРО ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛДИ 13-БЕТ



Умумий ўрта таълим ўқувчиларининг «Umid nihollari» спорт мусобақаларининг III босқичига старт берилди!

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» ИШОНЧИМИЗНИ ОҚЛАЙДИ

Агар гап спорт ҳақида кетадиган бўлса, албатта, катталар спорти, бу борада эришилган оламшумул ғалабаларга, уларга эришишнинг машаққатлари тўғрисида тўхтаб ўтилади. Ана шу катта спортнинг замирида, бугуннинг гапи билан айтганда, умумий ўрта таълим мактаблари спорти ёки янада аниқроғи, "Умид ниҳоллари" мусобақалари турибди, десак муболаға бўлмас.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг ёшларни олижаноб мақсадлар руҳида тарбиялашга қаратган улкан саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижаси ўлароқ, мамлакатимизда ёш авлоднинг камол топишига йўналтира оладиган самарали жисмоний тарбия ва спорт тизими шаклланди. Ўз навбатида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилинишини таъминлаш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида ишлаб чиқилган спорт тизимининг биринчи бўғини — "Умид ниҳоллари" мусобақалари ҳар йили қуйидаги босқичларда ўтказилади.

Биринчи – мактаб босқичи сентябрь-октябрь ойларида барча синфлар ўртасида бўлиб ўтади ва белгиланган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Унда 1-4, 5-7, 8-11-синф ўқувчиларидан ташкил этилган мактаб жамоалари туман босқичига йўлланма оладилар.

Иккинчи – мактаблар терма жамоалари учун туманлар (шаҳарлар) босқичи октябрь -ноябрь ойларида 5-7, 8-11-синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ва 1-4-синфлар учун эса кузги таътилда қувноқ старт ўйинлари тарзида финал билан якунланади.

Учинчи – туманлар (шаҳарлар) терма жамоалари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ноябрь-январь ойларида 8-11-синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ва 5-7-синфларга спортнинг белгиланган турлари бўйича қишки таътилда финал билан якунланади.

Тўртинчи – туманлар (шаҳарлар) терма жамоаларининг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) 8-11-синфлар учун спортнинг белгиланган турлари бўйича баҳорги таътилда финал босқичи бўлиб ўтади.

Мамлакат финал босқичи мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри 8-11-синфлар ўқувчилари терма жамоалари ўртасида апрель ойида Фарғона вилоятида ўтказилади.

Айни кунларда ана шу Республика мусобақасининг III босқичи барча вилоятларда кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

— Ушбу спорт ўйинларининг асосий мақсади умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи-ёшларини спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, шу билан бирга Мустақил Она-Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир, – дейди суҳбатдошимиз, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев. – Токи ўсиб келаётган ёш авлод жамоа бўлиб спортнинг олимпия, оммавий ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини, улушини қўша олсин.

(Давоми 8-бетда)

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Янги 2002 йилнинг кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан эзгу ниятлар билдирилган табриклар келиши давом этмоқда.

ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Мамлакатимизда қизғин давом этаётган мазкур тадбир доирасида республика "Маънавият ва маърифат" маркази, мудофаа, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамкорлигида ўқув муассасалари ва ҳарбий қисмларда илмий анжуманлар, учрашув ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида референдум ўтказувчи округ комиссиялари раисларининг вазифалари, "Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича участка комиссиялари ишини ташкил этиш юзасидан тавсиялар" лойиҳаси, шунингдек, ушбу жараёнга боғлиқ бўлган қатор масалалар кўриб чиқилди.

2000 йил март ойида институт ректорати ташаббуси билан ташкил этилган клиника ўтган вақт мобайнида минг-дан ортиқ шахсларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатди.

МУАЛЛИМЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Истиқлол туфайли Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва барча туман, шаҳарлар халқ таълими бўлимлари ҳамда вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти электрон почта ва модем ускунасига уланган эди.

Янги йилдан бошлаб мазкур қулайликдан

Shu songa xabar

Андижон шаҳридаги 2-, 5-ўрта мактаб, Балиқчи туманидаги 5 ва Хўжаобод туманидаги 21-гимназиялар, Қўрғонтепа туманидаги 13-мактаб, Жалақудуқ туманидаги 35-мактаб, Бўз туманидаги 18 ва Избоскан туманидаги 12 ва 14-мактаблар ҳам фойдалана бошлашди. Қисқаси, яратилган бу қулайликлар вилоятда таълим-тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

О.СИДДИҚОВ

Tanlov

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ» АНИҚЛАНДИ

Юрт тараққиётини давлатнинг иқтисодий қудрати белгилайди.

Соҳани янада ривожлантириш, иқтисодий билимга эга бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги 427-сонли "Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида"ги қарорига биноан Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимизнинг бир қанча илғор умумтаълим мактабларида 39 та ихтисослаштирилган банк синфлари ташкил этилган эди.

Шуниси эътиборлики, ушбу ихтисослаштирилган банк синфларида ўқиш 3 йил давом этиб, уларда таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар умумтаълим мактабларида ўқитиб келинадиган фанлардан ташқари "Бозор иқтисоди асослари", "Молиявий менежмент асослари", "Маркетинг", "Инглиз тили", "Ишга доир алоқа одоби" ҳамда "Хизмат хатларини ёзиш услубияти", "Банк иши", "Ташқи иқтисодий фаолият асослари", "Компьютер саводхонлиги" каби фанлар орқали соҳани теранроқ англашда зарур бўладиган билимларни ўрганиб борадилар.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциациясининг муҳташам йиғинлар саройида республикамиз умумтаълим мактабларида ўқитилаётган юқоридаги махсус фанлар ўқитувчиларининг мазкур фанга янада қизиқишларини орттириш, улар ўртасидан дарсларни янги педагогик технология асосида қизиқарли ва рангбаранг, ўқувчиларга тушунарли ўтаётган илғор, ташаббускор ва фаол ўқитувчиларни аниқлаш, қолаверса, уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказилган "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танлови ҳам айни давлатимиз иқтисодий қудратини ошириш йўлидаги бир қадам бўлди, десак янглишмаймиз.

Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилиб, биринчи босқич мактабларда, ўқитувчилар иш жойларида ўтган бўлса, республика миқёсидаги иккинчи босқич баҳслари пойтахтимизда ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жойларда бўлиб ўтган саралаш мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, республика миқёсидаги баҳсларга йўлланма олган 10 нафар билимдон иқтисодчи ўқитувчилар ўртасидаги беллашувлар, айниқса, муросасиз кечганлиги билан диққатга сазовор бўлди. Унда иштирокчилар "Мактабларда очиқ дарс", "Ўз фанини ҳимоя қилиш", "Педагогик вазият" ҳамда "Менинг қизиқишларим" мавзуларидаги шартларни бажариб, ҳакамлар ҳайъати ва томомилари вазирлигининг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи А.Зокиров сўзга чиқиб, ўқитувчиларни қутлади ва ҳар уччала ғолибга Халқ таълими вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонини топширди.

Шундан сўнг "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари ва ғолибларини Ўзбекистон банклар ассоциацияси бош директори К.Жумабеков, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи И.Зокиров ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг биринчи ўринбосари К.Қуронбоевлар ҳам муборакбод этиб, ўқитувчиларга қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширишди.

Б.ЖОВЛИЕВ
«Ma'rifat» мухбири

ЮРИДИК КЛИНИКА ХИЗМАТИ

Бугунги ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадини кўзлайди. Айниқса унинг аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни, хизматларни йўлга қўйишга йўналтирилганлиги аҳамиятлидир. Жойларда ташкил этилаётган "юридик клиникалар" ҳам айнан шу мақсад йўлида фаолият юритмоқда. Бундай клиникалар ҳозирча тўртта. Шулардан бири ТДЮИ қошида жойлашган. 2000 йил март ойида институт ректорати ташаббуси билан ташкил этилган клиника ўтган вақт мобайнида минг-дан ортиқ шахсларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатди. Клиниканинг асосий мақсади ҳам адвокат олишга қурби етмаган шахсларга бепул ҳуқуқий ёрдам беришдан иборат. Ҳуқуқшунос-талабаларнинг адвокат раҳбарлигида ўз касбий маҳоратларини такомиллаштиришларида ҳам бундай клиникалар керак.

Бу ерда барча фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш имконияти мавжуд. Яъни кам таъминланган аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатлами, аёллар, болалар, кексалар, ногиронлар, ишсизлар ҳуқуқини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари юзасидан маълумотлар берилади.

Ҳозирги кунда фуқаролар кўпроқ фуқаролик, уй-жой, ижтимоий таъминот, мерос, меҳнат муносабатлари ва бошқа масалалар бўйича мурожаат этмоқдалар. Мижозларнинг саволларига тўғри ва аниқ жавоб берилиши учун институт маъмурияти томонидан барча қулайликлар яратилган.

Отабек НАРЗИЕВ,
талаба

ИСЛОҲОТ — АМАЛДА

Наманган вилоятидаги 59 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасасида 37 минг 352 нафар талаба ўзи танлаган касб ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги "1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вилоятда 30 та янги ўқув юрти фойдаланишга топширилди. Улар ўқув-техника воситалари, лаборатория анжомлари, компьютерлар билан таъминланди.

— Ўқув жараёнига Давлат таълим стандартлари, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, ўқув муассасалари моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда, — дейди Наманган вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳ.Убайдуллаев. — Педагогларимиздан икки мингга яқини малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларида ўқиди, ўттиздан ортиқ ўқитувчи Корея Республикаси, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда тажриба алмашиб қайтди.

Ўқув юртлари талабалари ишлаб чиқариш амалиётини, асосан, қўшма корхоналарда ўтказмоқда. Касб-ҳунар коллежлари республика семинари ҳам Косонсой енгил саноат касб-ҳунар коллежи ва "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси негизида бўлиб ўтди.

Наманганда бу борада эришилаётган ютуқлар ўрганилди.

Ҳулкар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири

Мана, янги асрнинг дастлабки йили якунланди. Янги — 2002 йил эса ҳар бир хонадонга кириб улгурди.

Янги йилни одатда ҳар бир миллат ўзгача анъаналар билан кутиб олади. Лекин анъаналар ҳар хил бўлишидан қатъи назар, унинг битта умумийлиги бор — болажонлар Қорбобо қопидан янги йил совғасини олишади. Улар бу дамларни интизорлик билан кутадилар.

Қорбобо совғаларни болаларга ҳар хил йўллар билан тақдим этади. Масалан, Францияни оладиган бўлсак, Янги йил кечасида болалар қишки этикчаларини печ устида қолдиришади. Кечқурун эса ота-оналар болаларининг этикчалари ичига ҳар хил ширинликларга тўла совғаларни солиб қўйишади. Эрталаб болалар совғаларни Қорбобо бериб кетган, деб ўйлашади. Бу ҳақда ҳар хил мисолларни турли миллатлардан келтиришимиз мумкин.

Бизнинг юртимиз болаларига совғаларни ўзлари

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ

таълим олаётган муассасаларда катта байрам шодиёнаси арафасида Қорбобо ва Қорқиз ташриф буюриб тақдим этади. Бундай совғалар Юнусобод туманидаги 480-"Семурғ" махсус боғча тарбияланувчиларига байрам кечасида улашилди.

— Бизнинг боғчада жами 170 нафар нутқида нуқсони бор болалар тарбияланади. Биласиз, болалар билан ишлаш жуда қийин. Шундай бўлса ҳам ўзингиз кўриб турибсиз, болаларнинг қандай тайёрланганлигини . Мақсадимиз озгина бўлса ҳам бу болаларнинг кўнглини кўтаришдан иборат, — дейди боғча мудираси Муаззам Собирова.

Ҳақиқатан ҳам мазкур байрамни четдан кузатар эканмиз, болаларнинг яхши тайёрланганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, совғалар тақдим этилганда уларнинг қувончи чексиз бўлди.

Шерзод АҲМАТОВ
Суратларда: байрам лавҳалари

«ОЛТИН ҚАНОТ» — ЯНГИ ХУСУСИЙ БОҒЧА

Бугун таълим тизимини ислоҳ қилишда кўплаб ишлар қилинаётган бўлиб, унинг қайси бўғинини кузатманг, қандайдир бир янгиликнинг гувоҳи бўласиз. Дарҳақиқат, бу ҳаракатлар юртимизда узлуксиз таълимни амалга ошириш механизми мукаммал йўлга қўйилганлигидан далолатдир. Ўз навбатида унинг бош бўғини ҳисобланувчи мактабгача таълим муассасалари ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди. Болада ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиб, мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунга қадар давлат ва нодавлат муассасаларда ҳамда жойларда амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда республикамизда жами 6704 та мактабгача таълим муассасалари фаолият олиб бораётган бўлиб, уларда жами 624652 нафар бола тарбияланмоқда. Шунингдек, бу борадаги дастлабки қадамларга назар солсак, 210 та хонадон боғчалари, 264 та мактабгача ва бошланғич таълим мажмуалари, 50 дан ортиқ илк ёшдаги жажжиларни ривожлантириш марказлари ҳам ташкил этилган.

Булардан ташқари республикамизда бу йўналишда жами 10 та нодавлат муассасалари ҳам мавжуд бўлиб, куни кеча уларнинг ўн биринчиси, Миробод тумани миқёсида эса учинчиси иш фаолиятини бошлади. 60 нафарга яқин болаларнинг таълим олиши ва тарбияланишига мўлжалланган "Олтин қанот" номли ушбу янги мажмуа ўрнида аввал Миробод туман халқ таълими бўлимига қарашли 34-болалар боғчаси жойлашган эди. Ночор аҳволда, қаровсиз ҳолга келиб қолгач, у хусусийлаштирилди.

Бугун умуман ўзгача тусга кирган мажмуа тўлиқ таъмирланиб, замонавий ҳолга келтирилди. "Олтин қанот" ҳақида боғча мудираси Ҳамида Юнусовани суҳбатга тортдик:

— Бизнинг асосий мақсадимиз, мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ тарбияланувчиларни соғлом, етук ҳамда мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантиришдир. Шунингдек, масъулияти чекланган мустақил хўжалигимиз фаолиятини тижорат асосида олиб бориб, ўз жамғармасини муассислар маблағлари ҳисобига шакллантиради ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам бундай хусусий мажмуаларнинг кўпайиши бугунги кун талабидир. Чунки иқтисодий ислоҳотларнинг ҳам бош тамойили мулкни хусусийлаштиришдир.

Ш.АҲМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

ЙИЛ ЯКУНИДА КЎРИЛГАН МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Янги йил арафасида Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси ўтказилди. Вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирокида ўтказилган ҳайъат мажлисида "Халқ таълими тизимида "Она ва бола" давлат дастурининг ижроси тўғрисида" ҳамда "Навоий вилояти таълим муассасаларида ёшларни жисмоний ҳамда ҳарбий ватанпарварлик жиҳатидан баркамол қилиб тарбиялаш ишларининг аҳволи ва навбатдаги вазифалар тўғрисида"ги масалалар муҳокама қилинди.

Фарзандларимиз жисмоний ва ҳарбий ватанпарварлик жиҳатидан баркамол бўлсин

Ҳайъат мажлисида Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажара бориб, "Жисмоний тарбия" ва "Чақириққача ёшларни тарбиялаш" ўқув фанларидан таълим-тарбия самарадорлигини ошириш орқали ўқувчи-ёшларни жисмоний жиҳатдан баркамол, ватанига ва халқига садоқатли қилиб тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ёшларни жисмоний ва ҳарбий ватанпарварлик жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялаш учун вилоятда 192 та стадион, 136 та спорт заллари, 276 та волейбол майдончаси, 193 та баскетбол майдончаси, 1 та сув ҳавзаси, 130 та ўқ отиш тирлари, 202 та сафда юриш ва 252 та гимнастика майдончалари ҳамда 149 та тўсиқдан ўтиш йўлакчаларидан фойдаланилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам муайян даражада ёрдам кўрсатилаётганини қайд этиш мумкин. Жумладан, Қизилтепа тумани ҳокимлиги тумандаги мавжуд барча спорт иншоотларини таълим муассасалари ихтиёрига берган. Иқтисодий бақувват корхона ва хўжаликларни 11 та спорт турлари ва уларнинг моддий базасини янада ривожлантириш бўйича барча мактабларга оталиқ ташкилотлари бириктирилган.

Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳардаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг спорт залини капитал таъмирлаш ҳамда теннис кортини қуриш ишлари учун 4 млн. сўм ва 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 3 та залдан иборат спорт комплекси қурилишига 12 млн. сўм маблағ ажратилди.

Конимех тумани ҳокимлиги томонидан умумий ўрта таълим мактабларида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг II босқичини ўтказиш учун 1 млн. сўм маблағ сарфланди.

Жорий ўқув йилида бадиий гимнастика бўйича Греция ва Москвада 5 нафар, юнон-рум ва эркин кураш бўйича Қозоғистонда 16 нафар, сузиш бўйича Хитой ва Таиландда 12 нафар, жами 33 нафар ўқувчилар халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, Республикамиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Зарафшон, Нурота, Қизилтепа, Навбаҳор, Учқудуқ туманлари таълим муассасаларида чақириққача ёшларни тайёрлаш учун зарур бўлган ўқув-моддий базани тўлалигича сақлаб қолинганлиги чақириққача ёшларни тайёрлаш ишлари муваффақият билан олиб борилишига замин бўлмоқда.

Ҳарбий касблар моҳияти ўқувчилар, ота-оналар ўртасида тарғибот этиб борилганлиги натижасида 2001 йилда 35 нафар ўқувчи ҳарбий олий ўқув юртларининг курсантлари бўлишди.

Шу билан бир қаторда, вилоят таълим муассасаларида "Жисмоний тарбия" ва "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" ўқув фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш, шу фанлар бўйича синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни йўлга қўйишда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган. Жумладан, Конимех туманидаги 2-мактаб, Навоий шаҳридаги 8-мактаб, Навоий туманидаги 3-мактабда "Жисмоний тарбия" ва "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" ҳоналарининг жиҳозланиши янги дастур асосида қайта кўриб чиқилмаган. Жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарларининг режалари мавзуси ва дастури давлат таълим стандартларига тўғри келмайди. Мазкур мактабларнинг спорт моддий базалари яхши бўлишига қарамай, дарсларни ўтишда ўқитувчилар унумли фойдалана билмайдилар.

Вилоят Халқ таълими бошқармаси ўқувчиларни жисмоний ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари бошқарувини талаб даражасида ташкил этмаган. Маҳаллий ҳокимликлар ташкилот ва идораларни, спорт усталарини, ҳарбий қисмлар мутахассисларини таълим муассасалари спорт моддий-техника базасини ривожлантиришга қатъиятлик билан етарли даражада жалб қилмаган.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, вазирлик ҳайъат мажлиси Навоий вилояти таълим муассасаларида ёшларни жисмоний ҳамда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли эмас, деб топди.

Ҳайъат қарорида Навоий вилоят халқ таълими бошқармасига ва Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишнинг таъсирчан чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган қатор вазифалар топширилди.

Шунингдек, мажлис қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаларига маҳаллий ҳокимиятлар, вилоят спорт қўмиталари, ҳарбий қисм раҳбарлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда барча таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт моддий базасини бойитиш, бу жараённи янада такомиллаштиришнинг истиқбол режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳарбий касбларни кенг тарғибот ва ташвиқот қилишни йўлга қўйиш орқали барча таълим муассасаларида ҳарбий хизматчилар, ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, мажбурий хизматни ўтаётган сержант ва аскарлар билан учрашувлар, кечалар ўтказиш, ҳарбий қисм ва билим юртларига ўқувчиларнинг саёҳатларини ташкил этиш топширилди.

Оналар ва болалар йилидаги ишлар сарҳисоби

"Оналар ва болалар йили" муносабати билан ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Она ва бола" давлат дастуридаги мавжуд 119 та банддан 57 таси Халқ таълими вазирлиги иштирокида бажариладиган бандлар бўлиб, улардан 33 тасининг ижросига бевосита масъул этиб Халқ таълими вазирлиги белгиланган.

Hay'at majlisida

Ҳайъат мажлисида "Она ва бола" давлат дастури ижроси юзасидан вазирлик бошқармалари, тасарруфидаги республика ташкилотлари, жойлардаги халқ таълими бошқаруви органлари, таълим муассасалари жамоалари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Мактабгача ёшдаги болаларни аждодларимиздан мерос бўлиб қолган анъаналар ва урф-одатлар асосида миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашда ота-оналар ва мураббийларнинг ролини кучайтиришга йўналтирилган қатор қўлланмалар, тавсиялар, кўргазмали қуроллар, дидактик ўйинлар яратилди ва жойларга етказилди. Жумладан, "Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари", болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга қаратилган таянч дастури асосида "Болангиз мактабга тайёрми?", "Учинчи минг йиллик боласи", "3 ёшгача болалари бўлган ота-оналар учун", "3 ёшдан 7 ёшгача болалари бўлган ота-оналар учун" қўлланмалари яратилди, нашр этилди ва жойларга етказилди. Давлат талаблари ва таянч дастурига мувофиқ телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар туркуми ташкил этилди ва амалга оширилди.

"Оналар ва болалар йили"да мазкур давлат дастурига мувофиқ ноанъанавий мактабгача таълим шахобчаларини, шу жумладан хонадон болалар боғчаларини ривожлантириш, ташкил этилаётган муассасалар тарбиячилари учун тренинглар ўтказилди, уларга методик ёрдам берилди.

Давлат дастурида белгиланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича ўқув дастурларини яратиш ва уларни таълимнинг барча турларига жорий этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида болаларга *Миллий истиқлол* ғоясини ўргатиш юзасидан тарбиячилар учун тавсияномалар тайёрланди ва нашр этилди. I-IV синфларда "Одобнома", V-VI синфларда "Ватан туйғуси", VII-IX синфларда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фанлари такомиллаштирилди ва жорий этилди. "Одобнома" ва "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фанлари бўйича танлов асосида ўқув дастурлари ва дарсликлар яратилди, нашр этилди ва жойларга етказилди.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида бошланғич синфлардан бошлаб маълумотлар бериб бориш мақсадида 1-4-синфлар учун "Конституция алифбоси" ўқув қўлланмаси яратилди ва нашр этилди. 5-7-синфлар учун "Конституция оламига саёҳат" курси жорий этилди. Бу курс бўйича ўқув қўлланмалар тайёрланиб нашр этишга топширилди.

"Соғлом авлод" давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг давоми сифатида "Она ва бола" давлат дастурида белгиланган меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, республикадаги барча умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари бепул дарслик ва ўқув анжомлари билан, кам таъминланган оилалар болалари қишки кийим-бош, пойафзал кабилар билан таъминланди.

Илк ёшдан бошлаб болаларни чет тилларига ва компьютер саводхонлигига ўргатаётган мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш юзасидан белгиланган давлат дастури тадбирини бажаришда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жойлардан олинган маълумотларга қараганда, ота-оналар ва ҳомийлар ҳисобидан мактабгача таълим муассасаларининг 1654 та гуруҳида 40 мингдан зиёд болаларга, 1144 та мактабнинг бошланғич синфларида 20 мингдан ортиқ ўқувчиларга чет тилларини ўргатиш ташкил этилди. Мактабгача ёшдаги болаларни инглиз тилида сўзлашишга ўргатиш мақсадида дастур, қўлланма, иш дафтарлари, буклетлар, ҳаракатли ўйинлар, аудио ва видео кассеталардан иборат бўлган услубий тўплам тайёрланди ва жойларга етказилди.

Бошланғич синф ўқувчилари учун инглиз тилидан синов ўқув дастури тайёрланиб тажрибасиновдан ўтказилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳига ҳамда бошланғич таълимнинг биринчи синфлари учун "Алифбо сабоқлари", "Санашни ўрганамиз" номли ўқув педагогик компьютер дастури яратилди.

Мактаб кутубхоналари жамғармаларини миллий ва умуминсоний қадриятларга оид болалар адабиёти билан бойитиш мақсадида Осиё Ривожланиш Банкининг "Умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" Лойиҳаси доирасида кредит маблағлари ҳисобидан 2001 йил давомида 20 номда 386 минг нусхада 150 млн. сўмлик лотин ёзувида чоп этилган *болалар адабиётлари* мактаб кутубхоналарига бепул *етказиб* берилди.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули ишлаб чиқилди ва 2001-2002 ўқув йилида 575 та мактабда тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Ушбу мақсадда 39 номдаги 1,5 млн.дан ортиқ нусхада тендер асосида Осиё Ривожланиш Банкининг кредити маблағлари ҳисобидан сифатли дарсликлар нашр этилиб тажриба-синов мактабларига ижара тариқасида ўқувчиларни таъминлаш учун тақдим этилди.

Шу билан бирга, "Она ва бола" давлат дастурининг айрим бандларини тўла-тўкис бажаришда муаммоларга дуч келинганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш жараёнида аждодларимизнинг миллий тарбия меросидан фойдаланиш усулларини, болаларни теварак-атрофдаги оламнинг бойликлари ва хилма-хилликлари билан таништириш давомида экологик-эстетик омиллардан фойдаланиш хусусиятларини, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда маҳалланинг этнопедагогик имкониятларини ўрганиш, ақлий ўйинлар туркумини ишлаб чиқишга оид давлат дастурининг тўртта банди бўйича Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика илмий тадқиқот институти томонидан тайёрланган тавсияларнинг бажарилиши талаб даражасида эмаслиги таъкидланди ва институт раҳбариятига мутахассислар томонидан берилган хулосалар асосида мазкур тавсияларни қисқа муддат ичида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш топширилди.

Умуман, "Оналар ва болалар йили"да халқ таълими тизимида мактабгача ёшдаги болаларни анъаналар, урф-одатлар асосида миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида, уларни теварак-атрофдаги оламнинг бойлиги ва хилма-хилликлари билан кенг кўламда таништирган ҳолда тарбиялашда ота-оналар ва мураббийлар ролини кучайтириш, болаларнинг, хусусан, бошланғич синфларда таълим олаётган даврда билим билан биргаликда уларнинг дунёқарашини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, чет тилларга қизиқишини шакллантириш, компьютер саводхонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилганлигини таъкидлаш мумкин.

Ҳайъат мажлисини Халқ таълими вазири Р.Жўраев олиб борди.

Акбар БАҲРОМОВ,
Халқ таълими вазирлигининг бош мутахассиси

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинганини,афсуски, кўпчилик фуқароларимиз билишмайди. Менимча, барча олий ўқув юртларида Конституция курси ўқитилаётган пайтда ана шу дастур ҳақида ҳам талабаларга маълумот ва шарҳларни муфассал тарзда етказиш керак.

Ta'kid

ГУРУҲ МУРАББИЙЛАРИ ФАОЛЛАШСА...

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ўқувчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шундай экан, ўқувчилар ҳам мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир ютуғини, хусусан, миллий истиқлол ғоясини ўз онгига сингдириши ва мамлакатимиз келажагини буюк қилишга қаратилган кенг дунёқарашга эга бўлмоғи керак. Чунки, Ватанимизнинг келажаги, унинг гуллаб-яшнаши, ривожланиши ва жаҳон мамлакатлари орасида муносиб ўрнини эгаллаши бугунги ёшларга боғлиқ. Негаки, бугунги ўқувчилар эртага мамлакатимизнинг келажагини яратади.

Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда бугун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими олдига ҳам ўқувчи-ёшларни юксак ахлоқли ва маънавий етук, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбияланган, фан ва техника ютуқларини пухта эгаллаган юқори малакали мутахассислар қилиб тарбиялашдек маъсулиятли вазифа қўйилди. Бу ишни муваффақиятли амалга оширишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат фаолияти муҳим ўринга эга.

Ўқувчи-талабаларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда Ватанимиз, халқимиз тарихини ўргатиш ҳар биримиз учун муҳим вазифадир. Ўқувчилар таълим муассасаларида таълим олиши билан бирга ахлоқ, одоб, эстетик тарбия ҳам олади. Айни чоғда ёшларни ҳозирги кун талаблари руҳида тарбиялаш борасида таълим муассасаларида салмоқли ишлар қилинмоқда. Ватанимиз тарихи, санъати, маданиятини ўрганишни такомиллаштириш бўйича учрашувлар, мулоқот ва суҳбатлар олиб борилмоқда. Тарбиявий ишларни янада яхшироқ йўлга қўйиш учун гуруҳ мураббийлари, сардорлари, ҳамда масъул шахсларнинг фаоллигини янада ошириш долзарб масалага айланган.

Таълим муассасасидаги ўқув-тарбиявий ишларнинг яхшиланиши кўп жиҳатдан гуруҳларда олиб борилаётган ишлар мазмунига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда гуруҳ мураббийсининг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг меҳнат самарадорлигини ошириш ҳамда гуруҳдаги таълим-тарбия ишининг сифати учун мураббийнинг жавобгарлик маъсулиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, гуруҳ мураббийси ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишларнинг сифати учун жавобгар шахсдир. У етарли педагогик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар орасидан сараланиши ҳамда илм масканидаги жамоат ташкилотлари билан келишилган ҳолда тайинланиши зарур. Мураббий ўқувчилар учун меҳрибон маслаҳатчи, талабчан устоз ва уларга ўқиш, яшаш ва меҳнат қилишда намуна кўрсатувчи моҳир педагог бўлиши лозим.

Гуруҳ мураббийси ўқувчиларнинг ўзлаштиришини, ўқиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти давридаги давоматини, интизомини доимий равишда назорат қилиб бориши, уларнинг яшаш шароитлари, турмушлари билан яқиндан қизиқиши зарур. Ўқув, маънавий-маърифий, оммавий-тарбиявий ишларни яхшилаш бўйича тадбирлар белгилаши ва уларни ўтказишда ўқувчиларнинг фаоллигига, мустақиллигига суяниши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир киши ўз ишига масъулият билан ёндошса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон вилояти
ЎМКҲТ бошқармаси
бош мутахассиси

БЕРУНИЙДАГИ МИЛЛИОНЕР БОҒЧА

Беруний тумани халқ таълими бўлими мудири Энгел Ҳасанов билан суҳбатлашганимизда "Бизларда миллионер боғча ҳам бор" деб қолди.

— Қанақа миллионер? — дедим ажабланиб.

— Яхшиси, кўзингиз билан кўринг. Ўзим олиб бораман.

Шундай қилиб, йўлга тушдик ва бир маҳал туман марказининг чеккасидаги оҳак ишлаб чиқарилаётган жойда тўхтадик.

— Бу оҳак цехи, маҳаллий шева билан айтганда "қумбиз" дейилади, — ҳамроҳим изоҳ бера бошлади, — Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 1-"Шодлик" болалар боғчасига қарашли.

Кўп ўтмай боғчага ҳам етиб келдик. Биринчи саволим, табиийки, шундай бўлди: "Боғча қандай қилиб миллионер бўлган?".

Анча ёшларга борган, чаққонгина аёл, боғча мудираси Ниёзхон Жуматова саволимга батафсил жавоб берди:

— Биринчи галда Боғчамизнинг оҳак ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари аҳолига ва турли ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан сотилади. Шунингдек, бир ярим гектар экин майдонимиз ҳам бор. 300 туп мевали дарахтлар — ўрик, нашвати, беҳи, қароли, олма, шафтоли, узумлар ҳар йили яхши ҳосил бермоқда. 2001 йилнинг баҳорида янгидан 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ҳар йили ярим гектар ерга кузги буғдой экилиб, ҳосили йиғиштириб олингач, ўрнига полиз экинлари экилади. Помидор, пиёз, ловия, сабзи, картошка, қовун, тарвуз, карам каби маҳсулотлар ўз эҳтиёжимизга ишлатилади. Бундан ташқари қарамоғимизда ўндан зиёд қўй ҳам боқиб, кўпайтирилмоқда.

Дарҳақиқат, оҳак ишлаб чиқаришдан ва етиштирилган буғдойни сотиш ҳисобидан ўтган йили бир миллиондан зиёд даромад қилган "Шодлик"да болалар учун барча қулай шароитлар яратилган. Боғча биноси таъмир[illegible] ганч [illegible] ва юм[illegible]жиҳозлар, 10 дан зиёд гилам ва паласлар, деразаларга дарпардалар олинди. Байрамларда фойдаланиш учун тарбияланувчиларга кийим-бошлар харид қилинди. Кам таъминланган ишчи-ходимлар оилаларига 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, боғчанинг моддий базасини мустаҳкамлашда ҳомийларнинг ёрдамини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, Навоий номидаги жамоа хўжалиги оҳак ишлаб чиқариш цехининг яхши фаолият кўрсатиши учун етарлича шароит яратиб берган. Туман ўрмон хўжалиги эса 500 туп кўчат берди ва Наврўз, Мустақиллик ҳамда Янги йил байрамларини ўтказиш учун муайян миқдорда маблағ ажратиб келмоқда.

Бугун 90 нафар бола тарбияланаётган масканда жисмоний тарбия, мусиқа, маърифат ва маънавият, мониторинг хоналари билан бир қаторда ўлкашунослик музейи ҳам ташкил этилган бўлиб, унда 100 дан ортиқ экспонатлар ўрин олган.

Энг муҳими, болакайларнинг саломатлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, фитобар ташкил этилиб, шифобахш гиёҳлардан шарбатлар тайёрланмоқда. Шифокор Даврон Худойбергенов, ҳамширалар Замира Тўқпўлатова, Раъно Рўзимовалар болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб туришади. Хуллас, 1-"Шодлик"нинг шодликлари бир дунё. Унинг исботи ўлароқ, Қорақалпоғистон миқёсида ўтказилган "Соғломжон — полвонжон" кўрик-танловида боғча жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Маърифат" мухбири

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Конституцияни ҳар бир фуқаро ўрганиши ва билиши керак. Айниқса,олий маълумотли кадрлар унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан пухтароқ билишлари лозим.

ФАОЛ ЁНДАШУВ

Farmoyish va ijro

Университетимиз миқёсида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармойишидан сўнг бу курсни ўқитишга янада фаолроқ ёндашилмоқда.

Ҳуқуқшунослик факультетида Конституцияни ўрганиш икки босқичда—бакалавриат ва магистратурада бир-биридан қисман фарқли тарзда олиб борилмоқда. Бакалавриат талабалари «Конституциявий ҳуқуқ», магистратура талабалари эса «Конституциявий ҳуқуқ асослари» курсини белгиланган ҳажмда ўқиб-ўрганишяпти.

Конституциянинг ўзига хос хусусиятларини чуқурлаштирган ҳолда ўқитишда «Конституциявий ҳуқуқ» дарслигидан ташқари, кафедрамиз профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган маъруза матнларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Шунингдек, университетнинг қолган 14 та ноюридик факультетларида ҳам «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси ўқитилмоқда.

Конституцияни қандай ўқитиш ва ўрганиш керак? Деканат бу вазифани кўпроқ кафедрамиз профессор-ўқитувчилари зиммасига юклаганки, бу табиий ҳамдир.

Ҳозирги вақтда факультетда ўқитиладиган 10 та ҳуқуқий характердаги фанлардан 6 таси бўйича маъруза матнлари юзага келди.

Назария ва амалиётни бир-бирига уйғунлаштириш ўқув жараёнидаги энг зарурий босқичдир.Зеро, талаба жуда қисқа муддатлардан сўнг ўз йўналишида иш бошлайди. Агар факультетда 9 та махсус ҳуқуқий таълим берувчи кафедра мавжуд бўлса, улардан бири —«Хўжалик ҳуқуқи»нинг Олий хўжалик суди биносида жойлашганини алоҳида таъкидламоқчиман. Кафедра шартнома асосида очилган бўлиб, мақсад талабаларнинг ҳуқуқий билим даражаларини янада оширишдан иборат.

Кафедрада ҳар шанба куни III босқич талабалари билан дарс ва амалий машғулотлар олиб борилади. Унинг таркибида Олий хўжалик суди раиси, ўринбосари ва бу ерда фаолият кўрсатишга даражалари бор кишилардан 7 нафари талабаларимизга юридик таълим беришади.

Юридик таълимдан мақсад бўлғуси ҳуқуқшуносни хўжалик ва тадбиркорлик соҳасидаги турлича бузилиш ҳолларида қандай иш ва йўл тутишга ўргатишдан иборат. Асосан, корхона ва ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг бузилиш ҳоллари рўй бериб, орада келишмовчиликлар содир бўлганда хўжалик суди буни қандай ҳал қилиши кераклиги хусусида ҳам назарий, ҳам амалий тушунчалар берилади. Бунда талаба ҳам кузатувчи, ҳам тингловчи бўлиб, нафақат томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардор бўлади, балки уни ижро этмаслик ҳолларида суд қандай қарор чиқариши хусусида ҳам билиб олади.

Бундан ташқари, факультет ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Прокуратураси, ЎзР Олий суди ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи , давлат бошқаруви ва ижро ҳокимияти органлари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинганини,афсуски, кўпчилик фуқароларимиз билишмайди. Менимча, барча олий ўқув юртларида Конституция кўрси ўқитилаётган пайтда ана шу дастур ҳақида ҳам талабаларга маълумот ва шарҳларни муфассал тарзда етказиш керак.

Кафедрамизда Конституцияга бағишланган стенд ташкил қилинган. Стенд нафақат ўқитувчилар, балки талабаларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Унда Конституциянинг демократик, инсонпарварлик, одил қомус эканлиги тўғрисидаги безакли шарҳлар бор.

Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси мудири,юридик фанлари номзоди, доцент

Malaka oshirish

ИТАЛЯНЛАР — ИНСТИТУТ МЕҲМОНИ

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Италия маданият маркази қошида италян тилида сабоқ берадиган мутахассис ўқитувчилар ўз малакаларини оширдилар. Италиялик жаноб Жованна Виалени бу курснинг ташкилотчисидир. Бир ҳафта давомида Самарқанд, Бухоро, Ўзбекистон Миллий, жаҳон тиллари университетлари, қўшни Қирғизистон Миллий университети ўқитувчилари бу малака ошириш курсида ўз билимларини оширдилар.

Сиена университетидан келган профессор Сабрина Мафей ҳамда ўқитувчи Джорджио Мессориларнинг ҳар бир дарси жуда қизиқарли ва фойдали бўлди. Улар ўз мамлакатлари маданияти, санъати, таълим тизими ҳамда урф-одатлари тўғрисида ҳам тингловчиларга ҳикоя қилиб беришди.

Институтнинг италян тили ўқитувчиларидан Дилфуза Фозилова, Тамила Собировалар Италиянинг Перужа университетида ўз малакаларини ошириб келганликлари ҳақида фикр алмашдилар. Талабалар Феруза Рустамова, Жамшид Жуманов ва Фарҳод Каримовлар ҳам Италияда уч ой давомида ўқиб, билим олганликларидан хурсанд эканликларини айтишди.

— Курс ўқитувчиларга ўз иш режаларига ўзгартириш киритиш ва тўлдириш ҳамда билимларини мустақил оширишга, янги педагогик технологиялар билан танишиб боришига катта ёрдам берди, — дейди ўқитувчи Арслон Қурбонов. Тингловчилар билан ўтказилган суҳбатлар, саволжавоблар, тарқатилган анкеталар турли муаммоларнинг бартараф этишнинг калити бўлди, дейиш мумкин. Тест, суҳбат, якуний иш кўринишидаги аттестация тингловчилар ҳақида маълум бир хулосани берди.

М.ЖАББОРОВ,
СамДЧТИ малака ошириш факультети декани, доцент,
Г.РАҲИМОВА,
1-курс магистранти

Бугунги меҳмонимиз — атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. Ардоқли актёримиз 1938 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Ўзбек мумтоз киносанъатининг ёрқин намуналари бўлган "Мафтунингман", "Ўтган кунлар", "Фурқат" бадиий фильмлари ва халқимиз дилидан чуқур жой эгаллаган "Алишер Навоий", "Чархпалак" видеофильмларида ажойиб роллар ижро этган қаҳрамонимиз бугунги кунда Ўзбек Миллий академик драма театрига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Mehmonxona

Ёқуб АҲМЕДОВ:

ТЕАТР — ТАРБИЯ МАСКАНИ

—Аввало, болалик хотираларингиз ҳақида мухлисларингизга сўзлаб берсангиз.

— Гуллар шаҳрида ўсиб, улғайдим. Болалик-болаликда, энг яхши хотиралар мактаб билан боғлиқ. Эҳ-ҳейй... Ўқувчилик йилларим урушдан кейинги оғир даврга тўғри келган. Шаҳримиздаги 5-мактаб бизнинг Исфархон маҳалламиздан пиёда юрилганда 5-7 дақиқалик масофада жойлашган эди. Қиш-қировли кунларда йўллар асфальт қилинмаганлиги учун оёғимизда калиш, лой кечиб мактабга қатнардик. Пахталик фуфайка ҳам кимда бор, кимда йўқ... Мен ва тенгқурларимнинг омадимиз шунда эдики, бизнинг мактабимиз шаҳардаги мактаблар орасида юқори ўринда турарди. Бу, албатта, бутун ҳаётини ўқитувчиликка бағишлаган фидойилар билан боғлиқ эди. Ишонасизми, ўқиган ўн йил даврим мобайнида Хўжаев фамилияли директоримиз ҳузурига бир марта кирганман. У ҳам бўлса, қайсидир шўхлигим туфайли. Чунки у маҳаллар ўқитувчи билан ўқувчи орасини ажратиб турувчи қандайдир масофа бўларди. Гап қўрқувда эмас, масалан, ўша барваста директоримиз қанчалик қаттиққўл бўлган бўлса, ўз навбатида болажон, ота сифатидаги инсон эди биз учун. Арифметика ўқитувчимиз, география муаллимимиз (у киши ногирон бўлиб, қўлтиқтаёқда юрардилар)ни яхши кўрардик. Ҳар иккаласи дарсларини қизиқарли тарзда ўтишарди. Синф раҳбаримиз рус тили ўқитувчиси Анна Козлова исм-шарифли аёл киши эдилар. Хуллас, мактабни аттестатимда иккита тўрт бўлгани ҳолда уч баҳосиз тугатганман.

Йил ўтган сайин, одам неча ёшга киришидан қатъий назар, мактаб даврини, синфдошларини қўмсаркан, устозларини соғинаркан. Сенинг СЕН бўлишингга сабабчи бўлган ул зотларга ҳамон таъзим қилгим келади.

— Дилингизда санъатга мойилликни сезганингизда қалбингизда ҳеч бир иккиланишни туйганмисиз ёки, умуман, бошқа касбга муносабатингиз қандай бўлган?

— Эсимда, 1949 йилда 3-синфда ўқир эдик. Намангандаги театрда "Гунча" постановкаси қўйилиши керак бўлиб, унда ёш болалар оммавий саҳнада иштирок этишлари керак экан. Шу боис Муҳриддин Мансуров деган киши (кейинчалик билсак, у киши Ўзбекистон халқ артисти экан) маҳалладан 6-7 нафар болани театрга олиб келган. Булар орасида мен ҳам бор эдим ва оммавий саҳнада рол ижро этдик. Шу билан театр шайдоси бўлдим-қолдим. Мактабни битиргунимча Наманган театрида анчагина ёшлар ролини ўйнаб келганман. Шу даврдан эътиборан театр менинг иккинчи муаллимимга айланди. Ўқувчилик пайтимда география ва адабиёт фанларига ҳам қизиқишим баланд эди. Лекин, барибир, санъатга бўлган меҳр ҳар иккаласидан устун чикди. Шунинг учун мактабни тугатиб, ҳеч иккиланмай Тошкентга — тўппа-тўғри театр ва рассомчилик (ҳозирги Санъат) институтига йўл олдим. Бу 1956 йилги воқеалар...

— Мактабга илк қадам қўйган мурғак қалб ҳаяжонини барча илиқлик билан эслайди. Чунки у ҳар бир киши бошидан ўтган. Лекин саҳнадаги биринчи роль ҳаяжонини санъаткор бўлмаган киши — томошабиннинг англаши қийин...

— Албатта, саҳнадаги актёрнинг ҳаяжонли ҳолатини томошабин илғамаслиги мумкин. Ҳатто, актёр сценарийда бўлмаган гапни айтиб юбориши ҳоллари бўлиб туради. Жиддий эътибор билан ўтирмаган томошабин бу вазиятни англамай қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам, саҳнадаги биринчи роль ҳаяжони ҳар қандай актёр қалбида сақланади, деб ўйлайман.

Талабалик давримизда институтимизда ўзимизга яраша турли ролларни ўйнардик. Курсимиз раҳбари ўша пайтдаги Ҳамза театрининг бош режиссёри, азиз устозимиз Александр Гинзбург эдилар. Амалиётимизни ҳам шу театрда ўтказганмиз. Мана, 1956 йилда шу театрнинг қутлуғ остонасига қадам қўйган бўлсам, то бугунги кунимизгача кичик-кичик роллар, оммавий саҳналардан тортиб муҳим-муҳим роллар ижро этиб келяпман. Ва бундан мингдан-минг розилигимни айтиб қўймоқчиман.

— Ўзбек театр санъатининг дунё миқёсидаги ўрнини Миллий театр раҳбари сифатида қандай баҳолайсиз?

— Ўзбек драматик театр санъатининг келажаги порлоқ. У албатта, дунё миқёсида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Бунинг учун бизнинг кучимиз етарли. Биринчи ва асосий кучимиз бу — актёрлардир. Драматик актёрларимиз ҳар қандай машҳур хориж артистларидан қолишмайди.

Хорижий давлатларга қилинадиган ижодий гастроллар ҳақида айтадиган бўлсам, бу мақсадларимизга эришишимизга ҳам шубҳа қилмайман. Хуллас, ҳали ҳаммаси олдинда.

—Кино санъатидаги илк ролингиз хусусида ҳам гапириб берсангиз?

— Бу соҳада ҳам омадим юришган, десам муболаға бўлмас. Кинодаги дастлабки ролимни талабалик давримда ўйнаганман. Бу ўша машҳур "Мафтунингман" (1958 йилда суратга олинган), картинасидаги эпизодик ролим бўлган. Албатта, оддий талаба учун бу ҳам ўша даврда муваффақият саналарди.

1959 йил мен учун янаям масъулиятли ва хурсандчилик келтирган йил бўлди. Ўтказилган кўп синовлардан сўнг 21 ёшли талаба йигит катта бир ролга тасдиқланади. Бу "Фурқат" бадиий фильмидаги Фурқат образи эди. Шундан сўнг истеъдодли санъаткор Йўлдош Аъзамов режиссёрлигидаги "Ўтган кунлар" бадиий фильмида Тошкент хони Азизбек ролини ўйнадим. Буни қарангки, "Ўтган кунлар" фильмининг янги талқинида ҳам менга роль ўйнаш насиб этди. Бу гал Юсуфбек ҳожи образини гавдалантирдим.

— Азизбек салбий, Юсуфбек ҳожи ижобий образлигини ёдга олсак, бу тафовут актёрга қанчалик масъулият юклайди?

— Ҳар бир ролнинг ўз юки бўлади. Актёр шу юкни ҳис қилдими, демак, қайси руҳдаги роль бўлмасин, уддалай олади, менимча.

— Видеофильмларда яратган образларингиз ҳақида ҳам сўзлашсак...

— Деярли ҳар бир актёр буюк бобомиз Алишер Навоий образини гавдалантиришни орзу қилади. Бу тилак ёшим улғайгани сари мен билан бирга улғайиб келаётган эди. Шу ўринда айтиб қўяй, бу ролни 9-синфда ўқиётганимда биринчи бор ўйнаган эдим. Албатта, у мактаб саҳнаси эди. 1982 йилда Алишер Навоий ролини ўйнаш ҳақидаги орзуим чинакамига амалга ошди. Ўзбекистон телевидениеси шу номли видеофильмни суратга олди. Айтиш жоизки, буюк бобомиз образини улуғ санъаткорларимиз Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаевлар театрда, Раззоқ Ҳамроев кинода гавдалантирган эдилар. Ушбу ижроларнинг барчаси халқимиз томонидан илиқ кутиб олинганлиги санъаткорнинг улкан ютуғидир.

Шунингдек, "Шайтанат" видеофильмида эпизодик роль ижро этганман. Яхши кўрган образларимдан бирига айлангани эса бу "Чархпалак"даги иштирокимдир.

— Биринчи ўзбек радиосериали "Ҳар дарднинг давоси бор" ҳақидаги фикрингиз. Унда сизнинг ҳам иштирокингиз бор...

— Мазкур радиосериалда мен муаллиф матнини ўқувчи — бошловчиман, холос. Холис фикримни айтадиган бўлсам, "Ҳар дарднинг давоси бор"нинг биринчи ўзбек радиосериали эканлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, ҳар қандай ишнинг "биринчи"си, албатта, айрим камчиликлардан холи бўлолмаслиги бор гап. Нима бўлганда ҳам бу сериал халқона, оддийлиги билан халқимиз дилидан жой олмоқда. Муҳими — шу. Бу каби сериалларни янада кўпайтиришимиз лозим.

— Устозларингиз ҳақида...

— Биринчи устозим деб Александр Гинзбургни биламан. Энг катта устозим бу — театр. Шунингдек, Аброр ака, Олим ака, Шукур ака, Сора опа, Обид Жалилов, Наби Раҳимов — ҳар бирлари улуғ шахс, улкан актёр, катта мактаб яратиб кетган устозлардир.

Мана, яқинда Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимовларнинг хотира кечаларини ўтказдик. Яна бир ардоқли санъаткоримиз Зикир ака Муҳаммаджоновнинг 80 ёшлик юбилейларини нишонладик. Улар ҳамиша қалбимиз ва қадримиздалар.

— Тарбияда театрнинг аҳамияти хусусида нималар дея оласиз?

— Мана, бутун халқ гувоҳ — эртаксимон кошона яратилди. Бунинг яратилишига бошқош бўлганларга катта раҳмат айтмоқчиман. Яна демоқчиманки, театр — тарбия маскани. Тарбияда ҳар бир спектаклнинг албатта, ўрни бўлади.

Ўтган ойнинг ўрталарида театримизда катта тадбир ўтказдик. Яъни, Тошкент шаҳридаги мактаблар раҳбарлари, уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва пойтахт театрларининг директорлари иштирокидаги тарбияда театрнинг аҳамияти ҳақида катта давра суҳбати бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан ташкиллаштирилган бу тадбир касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар раҳбарлари иштирокида ҳам ўтказилдики, бу албатта, ёшлар тарбиясига эътибор беришда катта аҳамият касб этди. Зеро, ҳали театр билан дўст тутинган бирор инсон спектакл кўриб, ҳеч нарса йўқотмаганлиги, аксинча, маънавий озуқа олиши тадбирнинг асосий мақсадини баён этди.

— Мухлисларингиз оилангиз ҳақида ҳам билишни исташади.

— Турмуш ўртоғим муаллима. 110-мактабда илмий бўлим мудираси бўлиб ишлайдилар. Катта қизим Нодирахон Шарқшунослик институтининг 4-курс талабаси. У онаси касбини эгалласа, ажаб эмас. Ўғлим Шоҳжаҳон Тошкент кимё-технология институтининг 1-курсида ўқимоқда. Диёра қизим эса 10-синф ўқувчиси.

— Театрнинг янги йил режалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Янги йилни янги асар билан кутиб олмоқдамиз. Хабарингиз бор, яқин ўтган кунларда "Усмон Носир" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Сценарий муаллифи Нодира Рашидова бўлган бу асар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов режиссёрлигида қўйилиб, бош ролни истеъдодли актёрлар Фатҳулла Маъсудов ва Учқун Тиллаевлар ижро этишди. Бу спектаклни мактабларнинг юқори синф ўқувчилари кўришлари керак, деб ўйлайман. Чунки, дарслик билан жонли томошанинг фарқи бор, албатта.

Шу кунларда бир асар устида ишлаяпмиз. Бу "Қаллиқ ўйини" деб аталиб, Эркин Хушвақтов қаламига мансуб. "Чимилдиқ" спектаклидаги ижодий гуруҳ Турғун Азизов режиссёрлигида тайёргарлик кўришмоқда. Худо хоҳласа, яқин кунларда бу асарни ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этамиз.

—Мухлисларингизга тилакларингиз...

— Дўст бўлайлик, қадрдон бўлайлик. Санъатни севишсин ва театрга тушиб туришсин. Чунки, санъатни севолмаган киши гўзалликсиз, ҳайратсиз яшашга маҳкум. Омон бўлайлик. Шу билан бирга барчабарчани кириб келган Янги йил билан яна бир бор чин юракдан қутлайман!

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган буюк неъмат — мустақилликни, жонажон юртимизни ҳимоя қилиш мард ва жасур ўғлонларимизнинг энг олий бурчидир.

ОНА ЮРТНИНГ МАРД, БАҲОДИР ЎҒЛОНЛАРИ

14-ЯНВАРЬ «ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ»НИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯНОМА

Бугун ардоқли юртимиз узра озодлик ва мустақиллик чироғи ёнмоқда. Келажак истиқболи сари комил ишонч билан илгарилаб бормоқдамиз.

Биз она юртимиз бошидан кечирган барча тарихий жараёнларни нигоҳимиздан ўтказар эканмиз, бунда аждодларимиз кўпгина ташқи душман билан урушларни бошидан кечирганлигининг шоҳиди бўламиз. Бироқ шу нарса ҳақиқатки, Ватан тақдири оғир синов-синоатларга дуч келган ҳар қандай вазиятда ҳам унинг фидоий фарзандлари эрк дея, Истиқлол дея курашиб олдинги сафларга отилиб, ватан шону шарафини, бахт-иқболини кўзлаб жон фидо этганлар, қувонч-ташвишларини, орзу-истакларини она диёр ғаму андуҳи, ташвиши билан уйғунлаштирганлар. Бундай кезларда юртнинг мағрур ва жасур ўғлонлари дарҳол оёққа туриб, она ер ҳаққи учун, ўтган аждодлари руҳи поки учун кўксини қалқон қилиб, ғанимлар билан мардонавор курашганлар ҳамда она замин истиқлоли ва истиқболи йўлида жон фидо этганлар. Бироқ, кези келганда, биз қўлларимизни кўксимизга қўйиб, бошимизни қуйи эгиб, аждодларимиз сиймоси, руҳини ёд этиб, тасаннолар айтмоғимиз жоизки, улар ҳар қандай мушкул вазият гирдобига дучор бўлган вақтларида ҳам тушкунликка, ваҳима-саросимага берилмай, юрт донишмандлари, оқсоқоллари панду насиҳатини дилга жойлаб, Ватан ишқи, ташвиши ва меҳри билан ёниб келгинди ёвларга қарши марди майдон бўлиб жангга кирганлар, душманга беадад талофат етказганлар, уларнинг кўплари шу муқаддас замин мудофааси йўлида шаҳид бўлганлар.

Македонскийга қарши Спитамен, арабларга қарши Муқанна, мўғулларга қарши Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темурларнинг шижоати... шулар жумласидандир.

Кўп асрлик узун тарихимизнинг заъфарон саҳифаларини ҳарчанд варақламайлик, бу саҳифалар, шак-шубҳасиз, аждодларимиз қутлуғ қони билан битилганлиги, улардан Эрк, Озодлик ва Мустақиллик деб талпинган мағрур ўтмишдошларимизнинг ҳайқириқлари, оҳу нолалари эшитилиб тургандек бўлади.

Мана қанчадан-қанча бобокалонларимиз асрлар оша орзиқиб, интиқиб кутган кунларни кўриш бизга насиб қилди. Аждодларимизнинг руҳини шод этиб, она юртимиз узра мустақиллик байроғи мағрур хилпираб турибди.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган буюк неъмат — мустақилликни, жонажон юртимизни ҳимоя қилиш мард ва жасур ўғлонларимизнинг энг олий бурчидир.

Юртбошимиз айтганидек, «Ватанни садоқатли ва чин ўғлонлари ҳимоя қиладилар». Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Ватанимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мағрур ва жасур аскарлари ҳамда зобитлари ҳимоя қилади.

Мустақил давлатимиз Қуролли Кучларининг нуфузи халқаро майдонда ҳам тобора ортиб бормоқда. Хорижий экспертларнинг назарига тушмоқда. Жанговар шайлиги, жисмоний ва ақлий баркамоллиги ва бақувватлиги билан ҳам посбонларимиз ҳатто ривожланган мамлакатлар ҳарбийларининг ҳавасини келтирмоқда. Демак, республикамиз Қуролли Кучларида хизмат қилувчи ҳар бир ҳарбий ўзини доимо мағрур тутиши, Ватан ҳимоячиси деган юксак номни оқлаши зарур. Чақириқ ёшидаги ўсмирларни тарбиялаш эса ҳар бир ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган тадбирлар ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор туйғуларини тарбиялашда катта хизмат қилмоқда. Мактабларда ватанпарварлик тарбиясини турли фанларни ўқитиш жараёнида, дарсдан ташқари машғулотларда, ўтказилаётган маърифий-маданий, тарбиявий ишлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. 14 январда «Ватан ҳимоячилари куни» ўтказилади. Шу боис таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия қиламиз.

1. Ватанпарварлик тарбиясида оила, мактаб, маҳалла жамоатчилиги ҳамкорлигини таъминлаш ва биргаликда тадбирлар ўтказиш.

2. Ўқиш жараёнида ҳамда мактабдан ва синфдан ташқари тадбирларда фойдаланиш учун ҳарбий, спорт — соғломлаштириш тўгаракларини ташкил қилиш, мардлик дарсларини ўтказиш.

3. Ҳарбий қисмларга саёҳатлар уюштириш, ҳарбий хизматчиларни ўқув муассасаларига таклиф қилиш, ҳарбий олий ўқув юртлари курсантлари билан учрашувлар ўтказиш.

4. Ҳарбий ёдгорликлар, мемориаллар, қардошлик қабристонларига ҳомийлик қилишни ташкил этиш. Уруш, меҳнат ногиронларига ёрдам кўрсатиш.

5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашувлар ўтказиш.

6. Мустақиллик йилларида юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жон фидо қилган юртдошларимиз кўрсатган қаҳрамонликларидан бохабар бўлиш, уларнинг фарзандларига, қариндошларига эътиборни қаратиш, уларнинг ота-оналари ва сафдошлари билан учрашувлар ўтказиш.

7. Бизнинг тинч ҳаёт кечиришимиз учун ҳалок бўлган Ватан ўғлонлари фидойиликларини ёшларга тушунтириш.

—Ҳалок бўлган жангчилар номи қўйилган таълим муассасаларида тантанали кечалар ўтказиш. Ушбу кечада ҳалок бўлганларнинг ота-онаси, оиласи, қариндошлари иштирокини таъминлаб уларни рағбатлантириш.

8. Ёшларни соғлом, кучли, бақувват, зийрак ҳамда билимли қилиб тарбиялаш мақсадида улар билан турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш.

9. Ватанимиз тарихига оид мавзуларда кечалар, танловлар, викториналар ўтказиш.

Бугунги ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, эртаси, зотан, биз мана шу навқирон авлод намояндаларини қанчалик маънавий жиҳатдан баркамол, етук кишилар қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий ғурур руҳини изчил шакллантириб борсак, кўзланган юксак тараққиёт марралари сари комил ишонч билан илгарилаб борган бўламиз.

Тавсия этилган бу мавзулар таълим-тарбия ишлари жараёнида кенгайтирилиши, шароит, имкониятлар ва эҳтиёжларга қараб мослаштирилиши мумкин.

РТМ маънавий-маърифий ишлар бўлими

Янги йилни ҳар бир мактабгача таълим масканлари ўзгача кайфият ва кўтаринки руҳда нишонламоқда. Чилонзор туманидаги 413-«Гунафша» болалар боғчаси жамоаси ҳам Янги йилни шоду хуррамлик билан қарши олди. Байрамда тарбияланувчи болаларнинг барчаси иштирок этиб, Янги йил, Қорбобо, Қорқиз ҳақида ёдлаган шеърларини айтиб беришди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Таҳририятдан:

«МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНМАСА...»

Ушбу мақола тайёрланаётган бир паллада Термиз Давлат университети ректори вазифасини бажарувчи Ч.Саидовдан жавоб хатини олдик. Унда у махсус мухбиримизнинг университет профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилган шикоятни текшириб, унда келтирилган айрим фактларни аниқлаштирганлиги ва натижада жисмоний тарбия факультети декани К.Алимов лавозимидан озод этилганлигини маълум қилган.

Жавоб хатига илова тарзида келган *"Термиз Давлат университети жисмоний тарбия факультети меҳнат жамоасининг (профессор-ўқитувчиларининг) мурожаати"ни* эса айнан сарлавҳага чиқарганимиз — кўпгина ҳолларда "юз хотирчилик" "ҳақиқат"га соя солажагига яна бир ишорадек қабул қилдик. Унда айнан юқорида таъкидлаб ўтилган шикоят муаллифлари университетда мазкур текшириш натижаларига бағишлаб жамоанинг умумий йиғилиши бўлиб ўтганлиги ҳамда декан К.Алимов томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар рўй рост айтилганлиги ва ушбу йиғилиш қарорига асосан *"жисмоний тарбия факультети декани К.А.Алимов бир йиллик деканлик фаолияти давомида йўл қўйган хато, адолатсизлик ва камчиликларини ҳисобга олиб ўз аризасига мувофиқ, лавозимидан озод этил(син)"ганлиги таъкидланган. Шунингдек, ушбу йиғилиш қарори билан "факультет декани билан бирга ишлаган спорт клуби мудири А.М.Қурбонов, деканнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини А.М.Залесский-лар ҳам ўз вазифаларидан озод этил(син)"ган.* Мурожаатнома сўнгида эса 25 нафар профессор-ўқитувчилар яна имзо чекишиб жамоа томонидан қабул қилинган қарор ижро этилганлиги боис ушбу шикоят текширувига асосан ёзилган мақоланинг матбуотда эълон қилинмаслигини сўрашган. Яна "юз хотирчилик". Бироқ биз ушмундоқ ноҳуш ҳаракатларга нисбатан "юз хотирчилик" қилолмайиз. Шундай бўлса-да мақолани қисқартириб бермоқдамиз. Токи, у бошқа бир, айнан шундай ҳоллар мавжуд бўлган таълим муассасаларининг ўз вақтида жиддий хулоса чиқариб олишларига туртки бўлсин. Зеро, матбуотнинг асосий вазифаларидан бири — жамиятдаги мавжуд иллатларнинг барҳам топишига ўз сўзи таъсири қудрати билан ҳисса қўшишдир. Қолаверса, ушбу мақоланинг ректор вазифасини бажарувчи сифатида эндигина иш бошлаган раҳбарга ишларни кўнгилдагидек йўлга қўйиб олишда, жамоада соғлом муҳитни шакллантиришда газетанинг беминнат ҳиссаси сифатида қабул қилинишини хоҳлаймиз.

7-бетга қаранг

Bir xat izidan

ЮЗ ХОТИР ҲАҚИҚАТНИНГ БЕЛИНИ ҚАЙИРАДИ

ёхуд Термиз Давлат университетидаги айрим нохуш хатти-ҳаракатлар хусусида

"Бу мактуб бир мансабдор шахсга нисбатан туҳмат ҳам ва айни кезда ҳасад ҳам эмас. Бир амалдор кишининг адолатсизлиги, ноинсофлиги, муттаҳамчилиги ва кўзбўямачиликлари қошида ночор қолган кишиларнинг арзи ҳолидир. Бу мактуб Термиз Давлат университети жисмоний тарбия факультетининг беш миллат вакилларидан иборат йигирма беш нафар профессор-ўқитувчиси қаламига мансубдир. Шунинг учун ҳам бизга ишонарсизлар ва тушунарсизлар, деб ўйлаймиз. Исбот ва далилларни эса бўри егани йўқ. Биз ҳақиқат истаб ва чорасизликдан ушбу мактубни битдик.

Энди эса факультетимиз декани Қудрат Аҳмедович Алимовнинг бир йил ичида, атиги бир йил оралиғида содир қилган қинғирликлари ҳақидаги баъзи тафсилотлар билан танишинг..."

Юқорида қайд этилганидек, университетнинг биратўла 25 нафар профессор-ўқитувчиларининг имзолари остида келган ушбу мактуб 13 машинка қоғоздан иборат бўлиб, унда жисмоний тарбия факультетидаги ғайриқонуний ишлар хусусида батафсил битилган. Айрим исбот талаб қинғирликлар эса тушунтириш хатлари билан исботлашга уринилган.

Термиз Давлат университетининг катта-кичигига учрашиб, қўлимиздаги шикоятни ўрганишга киришдик.

Дастлабки таҳлилларимизни жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедрасида олиб борилаётган ишларни ўрганишдан бошладик. Ўтган ўқув йилида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанидан ҳатто биронта ҳам маъруза матни тайёрланмабди. Ўтган ўқув йилида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанидан 60 та, жисмоний тарбиянинг физиологик асослари фанларидан 40 та, ҳаммаси бўлиб 100 та курс ишлари бажарилмасдан қолиб кетибди. Хўш, бунинг натижаси борми? Натижа бинойидай. Курс ишларини бажаришмаган 100 нафар спортчи талабанинг барча-барчаси бир сакраб юқоридаги курсга ўтиб кетаверишибди. "Қаловини топсанг қор ҳам ёнаверади" деганлари худди шунинг ўзгинаси бўлса керак-да...

Хат муаллифларидан бири жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедрасининг мудири, доцент Ўрог ака Иброҳимовдан сўраймиз:

— Домлажон, курс ишлари ҳам, малакавий битирув ишлари ҳам, аввало, талаба томонидан ёзилиб, тегишли ўқитувчи томонидан баҳоланади. Ҳеч нарса йўқ бўлса, ўша баҳолар ведомостини қандай тўлдирдингизлар? Яхшиси, ўша ведомостлардан намуналар кўрсатсангиз?

— Жон укажонлар! Сўзларимга ишонаверинглар, рўзаю рамазон ойида айтаяпман. Кафедрамизнинг йиғилишлар ва махсус ҳужжатлар папкаси йўқолган. Шуниям факультет деканатидагилар йўқотиб юборишди...

Фараз қилинг, сиз журналистсиз-у, бизнинг ҳолатимизга тушиб қолдингиз. Сиз йўқолиб қолган "махсус папка"ни қандай топардингиз? Аниқ биламизки, сиз ҳам йўқолган "махсус папка"ни тополмасдан, биз сингари "махсус папка йўқолди", деган мазмунда ажабтовур билдириш хатини ёздириб кетардингиз. Ахир домлаларнинг айтишича, ўша "махсус папка" ерда ҳам, керак бўлса Термизнинг осмонида ҳам йўқ.

Шикоят хатидаги асосий норозилик Қудрат Алимов деканлик курсисига ўтирган охирги бир йилда талабаларга берилган мукофот ва моддий ёрдам пуллари хусусида кетади.

Сўраб-суриштирдик. Термиз Давлат университети ректорининг 2001 йил 9 мартдаги 56-буйруғи билан (фақат жисмоний тарбия факультети талабаларини ажратиб баён қилаяпмиз) 7 нафар, 2001 йил 20 мартдаги 82-буйруқ билан 12 нафар, 2001 йил 9 апрелдаги 106-буйруқ билан 2 нафар, 2001 йил 21 апрелдаги 132-буйруқ билан 23 нафар, 2001 йил 15 майдаги 166-буйруқ билан 40 нафар, ҳаммаси бўлиб, ўтган ўқув йилида жисмоний тарбия факультетининг 84 нафар талабаси моддий рағбатлантирилган. Бу рағбатлантириш маблағларини жамлаганда 248 минг сўмни ташкил этади.

Хат муаллифлари, яъни ҳурматли профессор-ўқитувчиларимиз кўтариб чиққан муаммо шундан иборатки, ана шу пулларнинг катта қисми ўз эгаларига етиб бормаган эмиш. Айрим рағбатлантиришларда ҳатто қатнашмаган талабалар ҳам бор эмиш. Биз университетда бўлган кунларимизда ана шу масалага дахлдор 20 нафардан ошиқ талабалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг айримларининг ёзма билдиришларидан қисқа сатрларни баён этайлик:

Ўктам Бўронов, жисмоний тарбия факультетининг 4-курс толиби:

— Мен 21 апрелдаги мусобақага қатнашганим ҳам йўқ. Ҳеч қандай ведомостга қўл ҳам қўйган эмасман, мукофот ҳам олганим йўқ.

Умида Абдужалилова, жисмоний тарбия факультетининг 3-курс талабаси:

— Мен ҳеч қандай мусобақаларга қатнашганим йўқ. Менинг номимга чиққан мукофот пули ведомостидаги имзо меники эмас ва менинг имзомга сира ўхшамайди. 2700 сўм пулни олганим йўқ.

Акбар Ҳаққулов, жисмоний тарбия факультетининг 4-курс толиби:

— 2001 йил 9 апрель 106-буйруққа асосан бир ойлик стипендия олганим йўқ.

Эй, азиз ва ақли зукко ўқувчи! Сиз биласизки, бу ёруғ оламда "ҳақ" деб аталмиш бир улуғ тушунча бор. "Ҳақ" тушунчаси, айниқса, биз мусулмонлар учун алоҳида қадрга эга. "Ҳақ"ни айтмаслик гуноҳдир". Бироқ, кундалик ҳаётимизда "ҳақ" тушунчасининг белини қайирадиган рақиб бор. У "юз хотир" деб аталади. Шуни билингки, қаерда "юз хотир" аралашдими, бўлди, "ҳақ"нинг қарор топиши қийинлашади. Термиз Давлат университетида бўлган кунларимизда рўбарў келган бир ҳолат ҳақида тўхталмоқчимиз. Талаба Раъно Ҳакимова бизга "Наврўз" байрами муносабати билан 82-буйруққа асосан 3 минг сўм пул билан мукофотланганлигини, бироқ уни олмаганлигини айтиб берди. Шу ерда турган ана шу масалага дахлдор 2-3 йигит-қиз "Раъно ўша 3 минг сўм пул нима бўларди. Деканимиз Қудрат Аҳмедовичга оғир бўлади. Пул олдим, ҳеч бўлмаса сервис олдим, деб ёзиб бер" деб қолишди. Биз эса жим турганча Раънонинг жавобини тингладик. "Йўқ, — деди Раъно Ҳакимова, — мен ҳақни айтаман!"

Раъно Ҳакимова жисмоний тарбия факультетининг 3-курс талабаси:

— Ҳақиқатан ҳам рағбатлантириш пулини ҳам олганим йўқ, сервис ҳам олганим йўқ.

Анвар Бобоқулов, Олим Холбоев, Алланазар Пардаев, Холмурод Йўлдошев, Шоира Қувватова ва бошқалар бизга мурожаат этишиб, аслида мукофот пулларини олмаганликларини, энди эса ҳақни айтиш билан кимларнидир хафа қилиб қўйиш қийинлиги ҳақида гапиришди.

— Билмадик, — дейишди улар, — айрим домлаларимиз билан чаплашгандай бўлиб қолдик. Энди университетни қандай битирамиз...

Ҳа, уларни ҳам тўғри тушуниш керак. Деканатнинг юзига тик қараб ҳақни айтиш ва яна олдинда турган синов ва имтиҳонлар...

Нима бўлганда ҳам университет раҳбарияти ана шу талабаларни ўз эътиборига олмоғи керак.

Ишонасизми-йўқми, жисмоний тарбия факультетида гап-сўзу, "деди-деди"лар хоҳлаганингизча топилади. Назаримизда ҳурматли домлалар асосий ишни бир томонга йиғиштириб қўйишиб, бир-бирларининг тирноғи остидан "кир" қидиришиб юришгандай. Нуфузли-нуфузли олимлар талабалар орасига кириб, қайсидир домланинг устидан "маълумот" тўплаб юришгандай.

Шикоят хатида Термиз Давлат университети спорт клубининг раиси Авлиёқул Қурбонов факультет декани Қудрат Алимовнинг қинғир йўлдаги ҳамроҳи сифатида жуда кўп марта тилга олинади. Биз Авлиёқул ака Қурбонов билан етарлича суҳбатлашдик. У киши бир нарсага сўзсиз иқрор бўлдиларки, университет ректорининг 2001 йил 9 августдаги 333-буйруғига мувофиқ Қудрат Алимов ва Авлиёқул Қурбоновлар Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида мутахассис сифатида ўрганиш учун қатнашиши керак эди. Ҳар иккаласи учун сафар қоғозлари тайёрланди, университет кассасидан маблағ олинди. Сафарга Қудрат Алимов жўнади-ю, Авлиёқул Қурбонов Термизда қолди. Қудрат Алимов шеригининг ҳужжатларини ҳам расмийлаштириб қайтди ва бу йўл билан давлат маблағини "туя қилди".

— Билмайман, — дейди Авлиёқул Қурбонов, — бизга ёзма ахборотда, — ҳужжатларни ҳам Қ.Алимовнинг ўзи тўғрилаган. Мусобақага ҳам ўзи борган, пулни ҳам ўзи олган. Пул ҳам олганим йўқ, қўл ҳам қўйганим йўқ.

Худди шу хусусда факультет декани Қудрат Алимовнинг бизга берган ёзма билдириши ушбудир: "Ўша Тошкентда ўтказилган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатига жўнашдан олдин университетимизнинг собиқ биринчи проректори С.Турсуновдан Авлиёқул Қурбоновнинг ўрнига 8-синфда ўқиётган ўғлимни олиб боришни сўрадим. Рози бўлди, ўғлимни олиб бориб келдим. Мен нима билай, мени кузатиб юришган экан. Мана энди шуни ҳам ёзиб туришибди..."

Қизиқ, фан номзоди, катта бир жамоанинг раҳбари, бир факультетнинг декани университет томонидан юборилган нуфузли бир чемпионатга ўзга бир инсонга сафар харажатларини ёзиб олиб, ўз ўғлини олиб бориш нотўғри иш эканлигини билмаса-я! "Мен ўғлимни олиб борганим хато эканлигини билмаган эканман, — дейди Қудрат Алимов ўша хатида, — кечирим сўрайман..."

Шикоят хати шунчалар кенг қамровда ёзилганки, уни 2-3 кунда тўлиқ ўрганишнинг иложи йўқ. Унда Қудрат Алимов ва Авлиёқул Қурбоновларнинг Термиз спорт қўмитаси қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам мутлақо ишламасдан мураббий сифатида маош олаётганликлари ҳам, декан ўз ўғли жисмоний тарбия факультетининг 3-курс толиби Шамсиддин Алимовга бир йилда 3 марта моддий ёрдам ёзиб олганлиги ҳақида ҳам, жорий йилдаги пахта мавсумидаги "еди-ичди" ҳам ва бошқа-бошқалар ҳам ёзилган. Тан олиш керакки, буларнинг аксариятида қонун-қоида бузилган.

Биз университетда бўлган икки кунлик муддат ичида вақт топиб жисмоний тарбия факультетида таълим олаётган 206 нафар талабаю уларга сабоқ беришаётган 36 нафар устозлар орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар билан ҳам қизиқиб кўрдик. Адолатни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, университет маъмурияти талабаларнинг ётоқхоналарига эътибор қаратаётир. Қўшимча бинолар қурилаяпти, керакли шарт-шароитлар муҳайё этилаяпти. Яна жисмоний тарбия факультетида олиб борилаётган маънавият ишларига қайтадиган бўлсак, факультетда деканнинг маънавият ишлари бўйича муовини штати ва унинг маошхўри ҳам бор. Бироқ маънавият ишлари ҳаминқадар.

Яна битта гапни айтмасликнинг сираям иложи йўқ. Жисмоний тарбия факультети ўқитувчилари орасида ўз устида ишлаш, изланиш, янги педагогик технологияни жорий этиш ва бошқа муҳим йўналишларда мутлақо турғунлик ҳолати вужудга келган. Муаллимлар ҳатто ўз соҳалари бўйича ҳам энг керакли қонун ва янгиликлардан бехабар.

Доноларимиздан қолган "Ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлганиям яхши" деган доно бир нақл бор. Бас, шундай экан, Термиз Давлат университети жисмоний тарбия факультетидаги мавжуд хато ва нуқсонларни, кўзбўямачилигу ўғриликларни, қолаверса "деди-деди" ва "миш-миш"ларнинг олдини олғай маъқул.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги томонидан эса шаҳар терма жамоаларига вилоят босқичида қатнашишлари ва спорт жиҳозларини харид қилишлари учун 5,5 миллион сўм ажратилди.

Ma'rifat

"Олимпиада умидлари"да 7 та спорт тури бўйича куч синашилган бўлса, унинг мантиқий давоми саналган "Умид ниҳоллари"да бу миқдор 11 тага етганлиги ҳам, шубҳасиз, мусобақаларга янгича мазмун, кенг кўлам бахш этаяпти.

"УМИД НИҲОЛЛАРИ" ИШОНЧИМИЗНИ ОҚЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида илк бора ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг айнан ўқув таътили вақтига тўғри келиши болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига халақит бермайдими?

— Йўқ, асло. Мазкур тадбирнинг таътил пайтида ўтказилиши ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этишда яқиндан ёрдам беради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ушбу тадбир республикамиздаги минглаб ўқувчи ёшларнинг спорт бўйича истеъдодларини юзага чиқаради, уларни катта спорт томон етаклайди ва энг асосийси, жисмоний тарбия ва спортга бўлган кундалик эҳтиёжларини шакллантиради. Ўтган биринчи босқич мусобақаларида 5 миллиондан, иккинчи босқичда эса 2,5 миллиондан ортиқ ёш спортчилар қатнашдилар ва ғолиблар ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совринлар билан рағбатлантирилди. Мусобақаларнинг ўтиш жараёнлари матбуот, телевидение орқали мунтазам ёритиб борилди.

— Тўғрисини айтганда кўпгина умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия ва спорт базалари у қадар етарли эмас. Шу сабабдан бу нарса жойларда мусобақаларнинг ўтишига салбий таъсир кўрсатмайдими?

— Йўқ. Биз бу борада керакли тадбирларни кўрганмиз. Ҳали биринчи босқич бошланмасданоқ барча вилоятлардаги таълим муассасаларини, уларга қарашли спорт иншоотларини, майдонлари ва залларини маҳаллий ҳокимиятлар ёрдамида таъмирлаш чоралари кўрилган. Бундан ташқари имконияти етарли бўлмаган таълим муассасалари ўрнига жойлардаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ҳамда Республикамиздаги нодавлат ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спорт базаларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, I, II босқич мусобақаларининг жойларда намунали ўтказилишига катта эътибор қаратилди. Жумладан, Навоий вилоятидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг залларини капитал таъмирлаш ҳамда теннис корти барпо этиш учун 4 миллион сўм, 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 3 та залдан иборат спорт мажмуаси қуриб бериш учун Навоий шаҳар ҳокимлигидан томонидан 12 миллион сўм маблағ, Кармана тумани ҳокимлигидан 1,8 миллион сўм ажратди. Конимех тумани ҳокимлиги томонидан ушбу мусобақалар учун 1 миллион сўм берилди. Шу тумандаги Караката ширкат хўжалиги (раиси К.Боисов) ҳисобидан шу ширкат хўжалигидаги 6-мактабнинг спорт иншоотлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, етарли даражада керакли анжомлар ва ушбу мусобақаларни ёритиш мақсадида видеокамера совға қилинди. Зарафшон шаҳар ҳокимлиги томонидан эса шаҳар терма жамоаларига вилоят босқичида қатнашишлари ва спорт жиҳозларини харид қилишлари учун 5,5 миллион сўм ажратилди.

Наманган вилоятида ҳам худди шундай ижобий ҳолатни кузатиш мумкин. III босқични ўтказиш учун 300 дона волейбол сеткаси ва 200 та копток, 300 дона баскетбол сеткаси ва 200 та копток, 150 жуфт қўл тўпи сеткаси ва 200 та копток, 50 жуфт футбол дарвоза тўри ва 450 дона футбол тўпи, 800 дона теннис сеткаси ва 300 дона стол тенниси ракеткаси туман спорт ва маҳалла қўмиталари ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан олиб берилди.

Самарқанд вилоятида ҳам қувонарли ишлар талайгина. Умумий ўрта таълим мактаблари учун вилоят касаба уюшмалари, Челак туманидаги "Ватанпарвар" ташкилоти ва "Маърифатпарвар" жамияти, Тойлоқ туманидаги фермерлар уюшмаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари мусобақаларни юқори са-вияда ўтказишлари учун ёрдам беришди. Шунингдек, Сирдарё вилоятининг "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти, вилоят "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, туман касаба уюшмалари ҳам бу борада яқиндан амалий кўмак бердилар.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари II босқич мусобақалари Самарқанд вилоятининг Булунғур, Ургут, Самарқанд; Хоразм вилоятининг Шовот, Гурлан, Ҳазорасп; Жиззах вилоятининг Бахмал, Арнасой, Ғаллаорол; Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри, Ш.Рашидов, Сайҳунобод; Наманган вилоятининг Давлатобод, Наманган, Учқўрғон; Тошкент шаҳрининг Ҳамза, М.Улуғбек, Чилонзор туманларида оммавий ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳозирда жойлардаги ҳомий ташкилотлар томонидан савобли ишлар давом эттирилмоқда. Биз III-IV босқич мусобақаларини ўтказишда юқоридаги каби ҳомий ташкилотлар, саховатпеша спорт жонкуярларининг бераётган ёрдамларидан мактаб спорт базаларини бойитишда унумли фойдаланамиз.

— Ҳозирда вилоятларда ўтаётган III босқич спорт мусобақаларининг ўтиш жараёнлари ҳақида қандай фикр билдира оласиз?

— Қишки таътил даврига тўғри келган 5-7-синф ўқувчиларининг финал босқичида иштирокчилар Низомда кўрсатилгандек 11 та спорт тури бўйича беллашмоқдалар. 8-11-синфлар эса босқич ўйинлари бўйича бир-бирлари билан баҳс юритмоқдалар. Мусобақаларнинг ўтиш жараёнига келсак, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида олиб борилаётган оммавий-ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган. Ушбу вилоятлардаги маҳаллий ҳокимият мутасаддилари мусобақаларнинг мақсад ва моҳиятини яхши англаб етганлари боис, ҳар бир спорт турига масъул ходимлар бириктирилиб, босқич ўйинларини юксак савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар кўрилган.

— Ўқувчи ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мароқли ташкил этиш борасида вазирлик томонидан яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз бу борада биринчи навбатда Республикадаги мавжуд давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган "Ўқувчи- ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини ташкил этиш борасида 2002-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури"ни жойларга ижро учун юбордик. Бу билан раҳбарларнинг мазкур жараёнга бўлган эътиборлари янада кучайтирилди. Мактаблар ва оилаларнинг ўзаро ҳамкорликлари амалий йўлга қўйилди. Энг муҳими, умумий ва ўрта таълим муассасаларида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг ўтказилиши нафақат ўқитувчи ва ўқувчи ёшларни, балки оилаларни, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг, таълим муассасаларининг раҳбарларини ҳам қизиқтирди, уларни тадбир жараёнларига яқинлаштирди. Яна бир муҳим жиҳати I-II босқич мусобақаларида юқорида кўрсатилган спорт жиҳозлари сотиб олинди. Ўнлаб мактабларнинг спорт иншоотлари, майдонлари жорий таъмирлашдан чиқарилди. Шу билан бирга, ғолиб ўқувчилар ва жамоалар вақтида рағбатлантирилиб, эришилган ютуқ ва камчиликлар холис таҳлил қилиб келинмоқда. Демак, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари жойларда намунали ўтказилмоқда. Ўйлаймизки, "Умид ниҳоллари" ишончимизни оқлайди.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Камолиддин АЛИОХУНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг таълим жараёнига кириб келиши ҳар бир ўқувчи ва мураббийдан масъулият талаб этди.

Бугун Наманган вилоятида 670 та умумий ўрта таълим мактаблари, 32 та спорт мактаби, 13 та тумандаги соғломлаштириш марказлари, 1 та футбол мактаб-интернати 493446 нафар фарзандларимизга таълим-тарбия ва фан сабоқларини бериш билан бирга, уларнинг жисмонан баркамол ва етук қилиб тарбияланишларига хизмат қилмоқда.

Айни кунларда ўтказила бошланган "Умид ниҳоллари"нинг 3-босқичида 5—7-синфлар бўйича 1859 нафар, 8—11-синфлар бўйича 2197 нафар спортчи ўқувчилар иштирок этишмоқда. Уларнинг вилоят босқичига етиб келгунларига қадар ҳомий ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролари йиғинлари, ширкат хўжаликлари, касаба уюшма қўмиталари, "Камолот" ижтимоий ҳаракатининг бўлимлари, спорт қўмиталари, соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ёрдамларини аямадилар.

Мазкур вилоят босқичини ўтказиш борасида ҳам керакли чора-тадбирлар кўрилди.

И.МЎМИНОВ,
"Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари

СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН КЎРКИ

Республикамизнинг барча вилоятларидаги каби бизнинг вилоятимизда ҳам "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида оммавий тарзда ўтказилмоқда. Мусобақаларни ташкил қилишда вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари бош бўлиб, корхона ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ҳомийлигида халқ таълимига катта ёрдам бермоқдалар.

Мусобақаларнинг 2-босқичида 1—4-синфлардан 32819 нафар, 5—7-синфлардан 71421 нафар ўқувчилар қатнашди. 3-босқич вилоят мусобақаларида шаҳар ва туманлардан, жами 2600 нафардан зиёд спортчилар иштирок этадилар.

Н.ҲАКИМОВ,
Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун бир қатор ташкилий ишларни амалга оширди. Жумладан, спорт майдонлари таъмирланиб, талаб даражасига келтирилди, махсус спорт кийимлари сотиб олинди. Бу борада Олтинкўл, Асака, Избоскан, Шаҳрихон туманларида амалга оширилган ишлар бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

"Умид ниҳоллари" мусобақаларининг I-II босқичлари Низом асосида ўтказилди ва ғолиблар туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан тақдирландилар.

3-минтақавий босқичда 4598 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, 3-финал босқичида 1576 нафар ўқувчи қатнашмоқдалар.

"Умид ниҳоллари" ўйинларининг учинчи — вилоят босқичи қизғин баҳслар билан ўтказилмоқда. Беллашувларда энг кучли, чапдаст, моҳир ўқувчилар аниқланмоқда. Бугунга қадар катта теннис мусобақаларида Андижон шаҳри ўқувчиларига тенг келадигани топилмади. Қўрғонтепа тумани иккинчи, Избоскан тумани ёш теннисчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Ўйлаймизки, спортнинг қолган турлари бўйича бўлиб ўтадиган мусобақаларда ҳам энг кучли, энг эпчил ва абжир ўқувчилар ғолиблар сафидан жой оладилар.

Л.МАМАЖОНОВ

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 763 та умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 1-босқичи ўтказилиб, унда 376 мингдан ортиқ ўқувчилар иштирок этди. Шаҳар, туманлар миқёсидаги 2-босқичда эса 111500 нафар ўқувчи қатнашди ҳамда 1—4-синфлар спортнинг 5 та, 5—11-синфлар эса 11 тури бўйича баҳслашдилар.

Бугун бошланадиган 5—7-синф ўқувчиларининг республика миқёсидаги финал 3-босқичи 2 навбатда ўтказилади.

Биринчи навбат 5-7 январь кунлари ўтказилиб, унда жамоалар баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, енгил атлетика бўйича, иккинчи навбати 7-9 январь кунларига режалаштирилиб, унда катта теннис, стол тенниси, кураш, белбоғли кураш, шахмат, сузиш бўйича баҳслар юритилади.

Шунингдек, 5—7-синф ўқувчилари орасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вазирлик томонидан ташкилий ишлар олиб борилди. Жумладан, ҳозирги кунда болаларни ётоқ жой, овқатлантириш ва тақдирлаш масалалари тўлиқ ҳал этилди. Уларнинг келиб-кетишларидаги ҳаракат хавфсизлигини, тиббий ёрдам ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари ёш спортчиларимизни мусобақа мобайнида овқатлантириш ва тақдирлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг заҳира жамғармасидан 5,5 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ўйлаймизки, бугунги саъй-ҳаракатларимиз, албатта, эртага ўзининг ижобий натижасини беради.

Б.СУЛТОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири

БАЙРАМГА АЙЛАНГАН БЕЛЛАШУВ

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг Низом ва дастур асосида ўтказилиши, зарур моддий негизини яратиш ва такомиллаштириш ишлари Термиз шаҳридаги 9,11,12,13-умумий ўрта таълим мактабларда, Термиз туманидаги 17, 28, Жарқўрғон туманидаги 1, 2, 16, 33-мактабларда, Музработ туманидаги 2, 7, 31, Қумқўрғон туманидаги 2, 3-мактабларда ҳамда 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернати, Шўрчи туманидаги 3, 11, 37-мактабларда яхши йўлга қўйилган.

Ҳозирга қадар мусобақанинг худудий босқичларида Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов туманлари жамоалари фаол иштирок этишиб яхши натижаларга эришдилар.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг III босқичи Термиз шаҳрида бўлиб ўтади.

С.ИНОЯТОВА,
Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАГАН ХАЛҚ

Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли ўрта умумтаълим мактабларида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 1, 2, 3-босқичини ўтказиш бўйича вилоят халқ таълими бошқармасининг, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти бўлимининг қўшма қарорлари қабул қилинган.

Шу боис ҳозирда мазкур спорт мусобақасининг кенг кўламда амалга оширилиб, самарали натижаларга эришишига имконият яратилди. Ўрта умумтаълим мактабларида ўтказилган спорт мусобақаларининг натижалари қуйидагича якунланди.

1-босқичда 1—4-синфлардаги 45753 нафар ўқувчи, 5—7-синфлардан 90129 нафар ўқувчи, 8—11-синфлардан эса 94959 нафар ўқувчи қатнашди.

Туман, шаҳар мусобақаларининг 2-босқич мусобақаларида 1—4-синф ўқувчиларидан 6779 нафар, 5 — 7-синф ўқувчиларидан 24397 нафар, 8—11-синф ўқувчиларидан 27937 нафар ўқувчи, жами 2-босқичда 59113 нафар ўқувчи иштирок этдилар.

Шунингдек, 5—7-синф ўқувчилари ўртасида 3-вилоят босқичи мусобақаларининг ўтказилиши қишки таътил давомида қизғин ўтказилмоқда.

Спорт мусобақаларининг нуфузли ўтишида мавжуд қишки ва ёзги спорт ўйингоҳларидан фойдаланилмоқда. Ҳомий ташкилотлар ёрдамида ўйингоҳларни тайёрлаш ва жиҳозлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилгани туфайли мусобақа жараёни кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНГОҲЛАР БОЛАЛАРГА

Хоразм вилояти умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчи ёшларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари асосида ривожлантиришда самарали ишлар қилинмоқда. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари вилоят туманларида ҳудудларга бўлинган ҳолда олиб борилди.

Вилоятнинг умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг 8-11-синфлари учун туман босқичи, 5-7-синфлари учун вилоят финал босқичи минтақавий тарзда 3 та туманда ўтказилди ва ниҳоят 11 та жамоадан ғолиб 3 та жамоанинг финал учрашувлари Урганч шаҳрида ўтказилиш тадбирлари белгиланди. Ушбу тадбирнинг финал босқичини ўтказиш учун Урганч шаҳридаги энг яхши ўйингоҳлар ва спорт иншоотлари тахт қилиб қўйилди.

НАВҚИРОН АВЛОД ҚИЗИҚИШИ

Қишки таътил давом этаётган шу кунларда ҳам аксарият таълим муассасалари оғуши юқори синф ўқувчилари билан гавжум. Боиси, 5—11-синфлар ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари қизғин давом этмоқда. Бу тадбир кўламининг нақадар оммавийлиги ва кенглигини тасаввур этиш учун Бухоро вилоятидаги 497 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган қарийб 106 минг нафар 5—7 ва 96 минг нафардан ортиқ 8—11-синфлар ўқувчилари ўзаро куч синашаётганликларини эътироф қилишнинг ўзи кифоя.

Шу ўринда зарур шарт-шароит йўқлиги сабабли тадбир дастурига кирган сузиш мусобақаларини ўтказиш имконияти бўлмаётганлигини ҳам таассуф билан таъкидлаш жоиздир. Вилоят марказидаги "Семурғ" спорт мажмуининг сузиш ҳавзалари эса тобора яқинлашиб келаётган улкан спорт анжумани — "Универсиада—2002" муносабати билан капитал таъмирланмоқда.

— Ҳар бир тадбир, албатта, муайян ташкилий жараён, эътибор, тайёргарликни тақозо этади, — дейди Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаши раиси Салим Мухторов биз билан суҳбатда. — Дастлаб "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига пухта ҳозирлик кўриш ва юқори савияда ташкил этиш мақсадида вилоятимизда ўтказилган ҳудудий семинар бу борадаги фаолиятимиз йўналишини белгилаб берди. Шундан сўнг вилоятимизда ҳам бу борада бир қатор самарали ишлар қилинди. Таълим муассасаларида зарур шарт-шароитлар яратилди.

Бу борада, айниқса, Бухоро ва Когон шаҳарлари, Ғиждувон, Шофиркон, Қоракўл, Вобкент туманлари халқ таълими бўлимлари томонидан бошқаларга ибрат бўларли даражада ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатилди.

Шуниси эътиборлики, тадбирга болалар шунчаки спорт мусобақаси эмас, байрамлардагидек, алоҳида иштиёқ ва кўтаринкилик билан келишмоқда. Бу навқирон авлод ўртасида спортга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолат. "Олимпиада умидлари"да 7 та спорт тури бўйича куч синашилган бўлса, унинг мантиқий давоми саналган "Умид ниҳоллари"да бу миқдор 11 тага етганлиги ҳам, шубҳасиз, мусобақаларга янгича мазмун, кенг кўлам бахш этаяпти.

Ҳудудий беллашувларда қайси таълим муассасаси вакиллари устунликка эришадилар? Кенг жамоатчилик ва барча ишқибозларни қизиқтирган бу саволларга қишки таътил ниҳоясида аниқ жавоб олиш мумкин. Ҳозир эса мусобақалар қизғин давом этмоқда.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

Қашқадарё вилоятида "Умид ниҳоллари" сентябрь-декабрь ойларида I босқич мусобақалари ўтказилиб унда I-IV синфларда спортнинг 5 тури бўйича, V-VIII, VIII-XI синфлар спортнинг II туридан мусобақалар ташкил этилди.

II босқич мусобақалари шаҳар ва туманларда бир неча ҳудудларга бўлинган ҳолда ўтказилиб ғолиблари финал босқичида қатнашишди.

Бу мусобақаларда V-VII синфларда таҳсил олаётган 122927 нафар болалар, VIII-XI синфларда 121673 нафар ўқувчи спортнинг II турида иштирок этди ва туман ғолиблари аниқланиб, терма жамоалар шакллантириб тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Вилоят III босқич мусобақалари ҳам 4 ҳудудга бўлинган ҳолда 3 январда бошланди.

I ҳудуд: Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ туманлари Шаҳрисабз марказида.

II ҳудуд: Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод, Қарши туманлари Ғузор туманида.

III ҳудуд: Касби. У.Юсупов, Бахористон, Муборак туманлари Касби туманида.

IV ҳудуд: Қарши шаҳри, Вилоят махсус мактаб интернати, Косон ва Нишон туманлари Қарши шаҳрида ўтказилади.

Ҳудуд ғолибларининг финал мусобақалари Қарши шаҳридаги Марказий «Насаф» ўйингоҳида ўтказилади.

Энг асосийси «Умид ниҳоллари» Қашқадарё вилоятида қандай ўтказилганига уларнинг Республика миқёсидаги финал босқичида кузатишимиз мумкин.

ЗЎРЛАР КУРАШАДИГАН МУСОБАҚА

Сирдарё вилояти умумтаълим мактабларида ҳам «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг I,II босқичлари якунланиб, III вилоят босқичига старт берилди.

28 нафар мураббий иштирок этаётган мазкур вилоят мусобақалари уч гуруҳга бўлинган ҳолда: Гулистон, Янгиер, Сирдарё шаҳарларининг энг яхши спорт базаларида ўтказилмоқда. Мазкур гуруҳ ғолиблари 10-19 январь кунлари Гулистон шаҳридаги финал мусобақаларида иштирок этадилар.

Мусобақаларга вилоят халқ таълими бошқарамси, «Камолот» ёшлар ижтимой ҳаракати ва ота-оналар томонидан ҳомийлик қилинмоқда.

Шунингдек, спорт мусобақаларини малакали ҳакамлар томонидан одилона бошқариб борилмоқда. Шу кунга қадар ўтган мусобақаларда айниқса, Гулистон, Янгиер шаҳри, Сирдарё, Сайҳунобод, Боёвут ва Мирзаобод туманлари вакиллари совринли ўринлар учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

МУСОБАҚАЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАДИ

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 3-босқичи Тошкент шаҳрининг умумтаълим ва спорт мактаблари залларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Мусобақани юқори савияда ташкил этиш мақсадида 2001 йилнинг 12 ноябрида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар касаба уюшмалари кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бошқаруви билан қўшма қарор қабул қилинган.

Мусобақаларда 11 та спорт тури бўйича 1507 нафар ўқувчи ўзаро беллашмоқдалар.

Мусобақанинг тантанали ёпилиши 10 январь куни Миробод туманидаги 110-мактабда бўлиб, ғолиблар аниқланади.

КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётида тестнинг роли тобора ортиб бормоқда. Тест якунлари ҳар бир ҳудуддаги таълимнинг самарадорлигини, ёшларнинг ўқишга муносабатини, ёшларнинг касб танлашлари бўйича қандай иш олиб борилаётганлиги, жамиятда таълимга муносабатларнинг ёрқин ифодаси ҳисобланади. 2001 йил 4 декабрда Тошкент вилояти халқ таълими раҳбарлари, мактаб директорлари билан ўтказилган йиғилишда ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент вилоятидан ўзбек гуруҳига ҳужжат топширган абитуриентлар тест имтиҳонида қатнашиб 1999 йилда 39,75% самарадорлик билан олтинчи ўринни эгаллаган. Вилоят абитуриентларининг умумий сонига нисбатан самарадорлик 2000 йилда 36,38% ни ва 2001 йилда эса 36,56% ни ташкил этиб, Республика бўйича тўртинчи ўринга тўғри келган. 2001 йилда вилоят бўйича 13227 ўқувчи олий ўқув юртларига ҳужжат топширган ва улардан 1140 ўқишга қабул этилиб, абитуриентларнинг тайёргарлик коэффициенти 0,9 ни ташкил этган.

Вилоят абитуриентларининг олий ўқув юртларига киришдаги тест саволлари жавоблар самарадорлиги ўтган йилги натижага таққосланганда 5 та фандан (физика, кимё, тарих, география, инглиз тили) ўсиш, 3 та фандан (математика, биология, немис тили) камайиш содир бўлган. Умумий аҳволни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

(ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	27,82	11	26,69	11
Математика	35,24	7	36,96	8
Физика	29,35	5	30,29	3
Биология	34,12	11	34,29	12
Кимё	32,12	10	30,73	9
Тарих	31,88	11	31,05	5
География	40,65	8	41,54	3
Инглиз тили	38,92	4	37,51	3
Немис тили	27,78	10	25,81	11
Француз тили	32,08	5	30,33	5

(рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Рус тили ва адабиёти	46,19	3	46,76	4
Математика	40,94	4	40,44	5
Физика	32,70	4	33,16	2
Биология	45,60	5	47,05	4
Кимё	36,67	7	37,27	5
Тарих	39,96	4	39,93	4
География	29,63	3	35,46	2
Инглиз тили	53,43	2	52,63	2
Немис тили	41,90	2	40,00	2
Француз тили	30,56	7	33,33	6

Статистик ишланмалар асосида Тошкент вилоят туманларидан тестда иштирок этган абитуриентларининг фанлар бўйича натижалари ҳисоблаб чиқилди. Вилоят туманлари ва шаҳарларининг рейтинг кўрсаткичи ҳисобланди. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган.

(олий ўқув юртлари кундузги, ўзбек гуруҳлари)

Т.р	Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик 2001	Республикада тутган ўрни
1.	Бекобод шаҳри	37,72	7
2.	Чирчиқ шаҳри	35,95	20
3.	Пскент тумани	34,23	41
4.	Янгийул тумани	33,04	67
5.	Бекобод тумани	32,99	70
6.	Янгийул шаҳри	32,88	71
7.	Қибрай тумани	32,82	75
8.	Олмалиқ шаҳри	32,72	79
9.	Юқори Чирчиқ тумани	32,49	88
10.	Ангрен шаҳри	32,18	95
11.	Тошкент тумани	32,05	102
12.	Ўрта Чирчиқ тумани	32,04	103
13.	Қуйи Чирчиқ тумани	32,03	104
14.	Бўстонлиқ тумани	32,01	105
15.	Оққўрғон тумани	32	106
16.	Бўка тумани	31,78	112
17.	Оҳангарон шаҳри	31,59	119
18.	Чиноз тумани	31,37	127
19.	Зангиота тумани	31,13	135
20.	Оҳангарон тумани	31,13	136
21.	Паркент тумани	30,55	155

Кўриниб турибдики, вилоятнинг Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари юқори самарадорликка эришиб, Республикада 20-гача бўлган ўринни эгалламоқда. Паркент, Оҳангарон ва Зангиота туманлари 135-дан паст ўринни эгаллаган.

Вилоятнинг тест имтиҳонида фанлар бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган худудлари ўрганилди. Бекобод тумани ўзбек тили ва адабиёти, биология ва француз тилидан вилоят бўйича юқори кўрсаткичга эришган. Олмалиқ шаҳри ўқувчилари тарих ва инглиз тилидан, Пскент тумани ўқувчилари математикадан, Ангрен шаҳри ўқувчилари кимёдан юқори кўрсаткичларга эришганлар. Лекин бу туманларнинг бирортаси Республиканинг илғор туманлари қаторидан ўрин ололмаган, айрим фанлар бўйича эса анча орқада қолганликларини кўриш мумкин. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган

(ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Бекобод тумани	749	29,36	Бухоро вилояти	Тўқимачилик тум.	284	33,26
Математика	Пскент тумани	254	41,04	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	356	50,98
Физика	Янгийул шаҳри	19	36,84	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тум.	16	47,57
Биология	Бекобод шаҳри	16	42,53	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Кимё	Ангрен шаҳри	53	37,26	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Олмалиқ шаҳри	41	38,69	Андижон вилояти	Шаҳрихон шаҳри	17	48,53
География	Бўка тумани	22	47,35	Тошкент шаҳри	С.Рахимов тумани	17	57,10
Инглиз тили	Олмалиқ шаҳри	34	47,06	Бухоро вилояти	Когон тумани	47	53,13
Немис тили	Янгийул тумани	22	33,33	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Бекобод тумани	42	32,54	Бухоро вилояти	Ромитан тумани	54	46,60

Вилоятнинг тест имтиҳонида фанлар бўйича паст натижа кўрсатган туманлари ҳам таҳлил этилди. Натижа шуни кўрсатдики, вилоятнинг паст кўрсаткичли тумани республиканинг паст кўрсаткичли туманига анча яқинлашиб қолган. Агар вилоятда бу соҳа таҳлил этилиб, тегишли чора ва тадбирлар кўрилмаса, салбий натижалар келиб чиқиши мумкин. Таҳлил учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз:

(ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Оҳангарон шаҳри	51	24,46	Қорақалпоғистон Рес.	Бузатов тумани	22	21,34
Математика	Олмалиқ шаҳри	170	31,50	Навоий вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Оҳангарон шаҳри	20	24,17	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Бўстонлиқ тумани	111	29,98	Сирдарё вилояти	Сайхунобод тумани	122	27,14
Кимё	Олмалиқ шаҳри	66	25,38	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	Чиноз тумани	132	28,47	Қорақалпоғистон Рес.	Хўжайли шаҳри	25	26,11
География	Ангрен шаҳри	21	31,48	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон тумани	31	28,05
Инглиз тили	Чиноз тумани	116	30,08	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Ангрен шаҳри	29	20,79	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Янгийул тумани	27	28,19	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

Вилоятнинг Бекобод, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Паркент, Янгийўл, Оққўрғон туманларида битирувчи синф ўқувчилари билан таълимий тестлар ўтказилган. Унда ўқувчиларга тест технологияси ўргатилган ва айрим фанларни қандай ўзлаштирганликлари текшириб кўрилган. Лекин таълимий тестларни ўтказишга айрим туманлар совуққонлик билан қараганлар.

Тошкент вилояти абитуриентларининг тўплаган баллари бўйича кўрсаткичлари таҳлил этилди. Тестда 0 ÷ 10% дан 30% гача тест топшириқларига 5773 талаба жавоб бера олган. Бу кўрсаткич халқ таълими ходимлари томонидан ўрганилиши ва таҳлил этилиши керак.

DTM tahlili

Юқори кўрсаткичга эришган абитуриентлар сони 2622 тани ташкил этган.

Тошкент вилоятининг ўқувчилари тест имтихонида энг юқори кўрсаткичга эришган мактаблари ўрганилди. Бўка туманининг 3- ва 7-мактаби, Янгийўл шаҳрининг 4- ва 13-мактаблари, Чирчиқ шаҳрининг 1- ва 7-мактаблари айрим фанлардан юқори кўрсаткичга эришгани маълум бўлди. Тестда юқори кўрсаткич ўқитувчининг ва мактабни тугатаётган ўқувчилар меҳнатининг натижаси ҳисобланади. Ўқувчилар репетиторлар хизматидан ҳам фойдаланишади. Шунинг учун ўқувчиларнинг тестдаги самараси атрофлича ўрганилиши керак.

Тестда юқори натижага эришган мактаблар ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган.

(ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб рақами	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Бўка тумани	3	10	40,56
Математика	Янгийул шаҳри	4	4	62,50
Математика	Янгийул шаҳри	13	2	62,50
Физика	Чиноз тумани	22	4	57,64
Физика	Янгийул тумани	25	4	57,64
Биология	Чирчиқ шаҳри	1	1	50,00
Биология	Юқори Чирчиқ тумани	4	2	50,00
Биология	Зангиота тумани	22	4	50,00
Биология	Қибрай тумани	41	2	50,00
Биология	Бўка тумани	31	2	50,00
Химия	Чирчиқ шаҳри	7	4	56,94
Тарих	Бўка тумани	3	5	65,00
География	Бўка тумани	7	4	65,97
Инглиз тили	Қибрай тумани	42	2	69,44
Инглиз тили	Қибрай тумани	16	9	69,44
Немис тили	Ўрта Чирчиқ тумани	32	4	45,83
Француз тили	Бекобод тумани	1	8	37,85

Вилоятда ўқувчилари тест имтиҳонида паст натижа кўрсатган мактаблар ҳам ўрганилди. Уларнинг ўқувчилари тест имтиҳонида 11,81% дан 28,24% натижага эришган. Бу илғор мактаблардан анча паст эканлигини кўрсатади. Вилоятнинг паст кўрсаткичлари мактаблари ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб рақами	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Бекобод тумани	25	4	15,28
Она тили ва адабиёти	Қибрай тумани	38	2	15,28
Математика	Оҳангарон тумани	45	4	11,81
Физика	Бўстонлиқ тумани	4	2	12,50
Физика	Ўрта Чирчиқ тумани	23	4	12,50
Биология	Чиноз тумани	11	3	19,44
Биология	Оҳангарон тумани	2	2	19,44
Биология	Янгийул тумани	28	4	19,44
Биология	Паркент тумани	18	2	19,44
Биология	Ўрта Чирчиқ тумани	30	3	19,44
Биология	Қуйи Чирчиқ тумани	9	2	19,44
Биология	Қуйи Чирчиқ тумани	31	2	19,44
Биология	Юқори Чирчиқ тумани	28	2	19,44
Биология	Оққўрғон тумани	3	2	19,44
Биология	Чиноз тумани	28	4	15,28
Кимё	Юқори Чирчиқ тумани	15	2	15,28
Тарих	Олмалиқ шаҳри	3	1	13,89
Тарих	Пскент тумани	17	5	13,89
География	Қуйи Чирчиқ тумани	47	6	28,24
Инглиз тили	Қуйи Чирчиқ тумани	51	4	17,36
Немис тили	Бўстонлиқ тумани	3	4	17,36
Француз тили	Янгийул тумани	16	5	21,11

Тест имтиҳонига киритилган барча фанлар бўйича вилоят туманларининг натижалари таҳлил этилди. Бунда юқори ва жуда паст натижага эришган туманларнинг ҳар бири аниқ кўрсатилди.

Вилоятнинг аттестати бўйича юқори кўрсаткичга эришган абитуриентлари сони аниқланди. Вилоят бўйича 5285 талабанинг аттестатидаги ўртача баҳоси "4,5" дан юқори бўлган. Улардан 680 нафари грант асосида, 817 нафари шартнома асосида ўқишга қабул этилган.

Қуйидаги жадвалларда аттестатнинг баҳоси тестдаги юқори натижа билан тасдиқланган абитуриентларнинг айримлари ҳақидаги маълумот келтирилган:

(ижобий ҳол)

Т.р.	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент юридик институти	Зангиота тумани	42	4,9	190,80
2.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети	Зангиота тумани	42	5	192,10
3.	Тошкент иккинчи тиббиёт институти	Чиноз тумани	13	4,9	192,50
4.	Тошкент биринчи тиббиёт институти	Ю. Чирчиқ тумани	34	5	197,50
5.	Ўзбекистон миллий университети	Қибрай тумани	25	4,6	198,00
6.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Ю. Чирчиқ тумани	23	4,7	198,40
7.	Тошкент юридик институти	Янгийул тумани	27	5	199,30
8.	Тошкент давлат шарқшунослик институти	Ю. Чирчиқ тумани	9	4,8	199,90
9.	Тошкент давлат педагогика университети	Ю. Чирчиқ тумани	34	5	204,60
10.	Ўзбекистон миллий университети	Пскент тумани	18	5	206,90
11.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Ю. Чирчиқ тумани	16	5	208,70
12.	Тошкент юридик институти	Бекобод тумани	9	5	210,10
13.	Ўзбекистон миллий университети	Янгийул тумани	27	5	211,10
14.	Тошкент молия институти	Ю. Чирчиқ тумани	7	5	212,00
15.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети	Пскент тумани	7	5	213,90
16.	Ўзбекистон миллий университети	Қибрай тумани	39	4,8	214,00
17.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Ю. Чирчиқ тумани	16	5	215,10

Аттестатида юқори баҳога эга бўлган абитуриентлардан айримлари тестда жуда паст натижа кўрсатганлар. Бу аттестатга одилона баҳо қўйилмаганлигидан далолат беради. Бундай абитуриентларнинг айрим қисми ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган:

(салбий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент давлат педагогика университети	Оққўрғон тумани	34	5	22,1
2.	Тошкент молия институти	Зангиота тумани	1	4,6	24,2
3.	Тошкент юридик институти	Бўка тумани	5	4,6	27,3
4.	Тошкент давлат аграр университети	Қуйи Чирчиқ тумани	65	4,7	27,4
5.	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Қуйи Чирчиқ тумани	4	4,6	27,5
6.	Тошкент давлат маданият институти	Ўрта Чирчиқ тумани	23	4,6	28,1
7.	Тошкент автомобиль-йўллари институти	Ю. Чирчиқ тумани	10	4,7	28,4
8.	Тошкент юридик институти	Чиноз тумани	28	4,8	29,5
9.	Тошкент давлат аграр университети	Бекобод тумани	19	5	29,5
10.	Тошкент давлат маданият институти	Зангиота тумани	25	5	29,5
11.	Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти	Янгийул тумани	10	4,7	30,7
12.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институти	Зангиота тумани	25	5	31,2

Тест натижаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш таълим жараёнини такомиллаштиришга ижобий таъсир этади. Чунки ҳар бир туман ўз ютуғи ва камчиликларини ҳисобга олиб ишлайди. Ўқувчилар билан касб танлаш ишлари тўғри олиб борилса, масофадан тест топшириш компьютер тизими яратилиб, юқори синфларда тест технологияси ўргатилса, вилоятнинг тест имтиҳонидаги натижаси янада юқори ўринларга кўтарилади.

М.МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, профессор

O‘n yoshga kirgach, otasi uni Armanistondagi Jalolo‘g‘li degan qadimiy bir shaharga olib borib, namunali bir maktabga berdi. Bu maktabning boy kutubxonasida Ovanes jahon adabiyotining nodir asarlari bilan tanishdi va birinchi she’rlarini yozdi.

BOLALAR DUNYOSI



AFSONALARDAN KUCH OLGAN

Arman xalqining sevimli farzandi, atoqli shoir Ovanes Tumanyan 1869 yilda Armanistonning Lori nomli tumanida ruhoniy oilasida tug‘ildi.

Otasi Tatevos olijanob, saxiy va qo‘li ochiq kishi edi. “Hayotimdagi eng yaxshi va aziz narsalarning barchasi otam bilan bog‘liq. U ajoyib hikoyachi edi, har doim qiziq-qiziq naqllar va maqollar bilan gapirardi. Ruhoniyligi uning chavandoz va mergan o‘qchi bo‘lishiga xalal bermagandi”, deb yozgan edi Tumanyan o‘z tarjimai holida.

Ovanesning bolaligi Lorining Dsex qishlog‘ida o‘tdi. Bu yerdagi bokira o‘rmonlar, ko‘klarga bo‘y cho‘zgan xushmanzara tog‘lar har qanday odamning ham ruhiy olamini go‘zalliklar bilan to‘latardi. Buning ustiga el og‘zida shu qadar ko‘p ertaklar, afsonalar, rivoyatlar yurardiki, yosh Ovanesninng yuragida tabiat va xalq ijodiyoti o‘zining abadiy muhrini qoldirdi.

Ijodning ilk pallalaridayoq uning afsona va rivoyatlarga murojaat qilgani bejiz emas.

Ovanes boshlang‘ich ta’limni o‘z qishlog‘ida oldi. O‘n yoshga kirgach, otasi uni Armanistondagi Jalolo‘g‘li degan qadimiy bir shaharga olib borib, namunali bir maktabga berdi. Bu maktabning boy kutubxonasida Ovanes jahon adabiyotining nodir asarlari bilan tanishdi va birinchi she’rlarini yozdi.

1883 yili 14 yoshida Tiflisga ketib, Narsesyan seminariyasida o‘qishni davom ettirdi. Bu yerda o‘sha davrning yetuk ziyolilari, chunonchi, yozuvchi Tserents Shillerning tarjimoni Barxudaryan, tilchi Kostanyanlar dars berishardi. Tumanyan bu dargohda uch yil o‘qidi, ammo keyin og‘ir iqtisodiy yetishmovchiliklar tufayli o‘qishini tashlab ketishga majbur bo‘ldi.

Lekin badiiy ijod uchun vaqt topa bilar, “It va mushuk”, “Baxti qaro tijoratchilar”, “Burgut va bulut” singari asarlarini yozib ulgurgan, butun Armanistonga shoir sifatida tanila boshlagan edi. 1887-1892 yillarda Tiflisdagi diniy sudlov idorasida juda oz maosh bilan mirzolik qildi. Idoraviy ish uni juda qattiq qiynadi. “Jonimni sug‘urib olgan bu besh yil men uchun jahannam azobida o‘tdi”, deb yozadi shoir keyinchalik. Ammo bu muhit ham uning ijodiy kamoliga xalaqit berolmadi. U bu yillarda o‘nlarcha she’rlardan tashqari “Maro”, “Anush”, “Muqaddima”, “Ingroq” singari dostonlarini yozib tugatdi. 1890 yilda Tumanyanning do‘stlari uning kitobini nashr qilishga bel bog‘ladilar. Shu tariqa Moskvada 1890 yilining oxirida birinchi kitobi, 1892 yilda ikkinchi kitobi bosilib chiqdi. Tez orada Tumanyanning nomi mashhur bo‘lib ketdi. Atoqli rus shoiri Konstantin Balmont Tumanyanning “Axtamar” afsonasini rus tiliga tarjima qildi va “Oila” jurnalida e’lon qildi.

1901-1902 yillarda Tumanyan Shekspir va Bayron asarlaridan ayrimlarini arman tiliga tarjima qildi va o‘zi ham “Artavazd Ikkinchi” degan drama yozdi. Bundan tashqari “Timkaberdining olinishi”, “Parvona”, “Sosunli David” kabi dostonlar va ko‘plab she’rlar yozdi, 1903 yilda yangi to‘plamini nashrga tayyorladi.

Ovanes Tumanyan ayni chog‘da bolalarga ham juda yaxshi she’rlar yozdi. 1905 yilda Tiflisda “Boshoqlar” degan bolalar jurnali chiqa boshladi.

Tumanyan bu jurnalning eng faol mualliflaridan edi. Uning “Qo‘y og‘a”, “Yovuzlikning oxiri”, “Bo‘ri”, “Tulki”, “Kaklikning yig‘isi”, “Gullar qo‘shig‘i” singari ko‘pdan-ko‘p she’r, ertak va hikoyalari e’lon qilindi. Bu asarlar Tumanyanni eng atoqli bolalar shoiri qilib tanitdi.

Bundan keyin ham Ovanes Tumanyan bolalarga va kattalarga ko‘p yaxshi asarlar yozdi. Uning adabiyot, adabiy aloqalar, ijtiomiy-siyosiy hayot haqidagi maqolalari bir qator xalqlarga ma’lum va mashhurdir.

Ovanes Tumanyan 1923 yilda Moskvada vafot etdi.

CHARX

Yigir tolani, yigir,
Charxginam,
Ishlar ko‘p hali og‘ir,
Charxginam.
Sen tezkoru epchilsan,
Charxginam,
Sen ochlarga singilsan,
Charxginam.

Kechalari oy to‘lar —
Ko‘zlarimga nur to‘lar.
Oynaga yaqin borib,
Oq ipni tarang tortib,
Arqog‘imga o‘raman —
Men shunday kun ko‘raman:
Boqaman bolalarni —
Gul ila lolalarni.

Yigir tolani, yigir,
Charxginam,
Ishlar ko‘p hali og‘ir,
Charxginam.
Sen tezkoru epchilsan,
Charxginam,
Sen ochlarga singilsan,
Charxginam.

BOLA BILAN SUV

Bulut ingan tog‘lardan,
Kuylab o‘tib bog‘lardan
Suvga kelar,
Suvga bola
Chopar dalama-dala,
Suzar suvda bemalol,
Suvga beradi savol:

— Qaysi tog‘dan kelding suv?
Senda jonim kirdi, suv.

— Qop-qorong‘i cho‘qqi bor,
Undan erib chiqar qor.

QUSHCHAMNING BELANCHAGI

Novdaning uchidadir qushchamning belanchagi,
Uhhla, shamol, uhhla!
Tebratgin belanchakni goh u yon, goh bu yonga,
Uxla qushcham, uxla!

Tushiga shirin tushlar kirsin, shirin qushchamning,
Uhhla, shamol, uhhla!
Tebratgin belanchakni goh u yon, goh bu yonga,
Uxla qushcham, uxla!

Ammo shirin uyqusin buzma shirin qushchamning,
Sekin-sekin uhhla.
Asta-sekin tebratgin goh u yon, goh bu yonga,
Uxla qushcham, uxla!

— Qanday belanmay loyga,
Borasan qaysi soyga?

— Men borganim ul soydir
Qirg‘oqlari gul soydir.

— So‘ng borasan qay boqqa?
Singasan qay tuproqqa?

— Kimki ishlasa yaxshi,
O‘shanga bo‘lgum baxshi.

KAKLIK MADHI

Bulutlar ichidan jilmaydi quyosh,
Kaklik uchdi, pastda qoldi tog‘u tosh.
Yuksakda ko‘k o‘tlar silkitishdi bosh,
Kaklik qanotiga shamollar yo‘ldosh.
Oh, mening kaklikkinam —
Rangorang ko‘hlikkinam!

Gunafsha, chuchmoma,
jambul aylab jam —
Xilma-xil gullardan in qurding shinam,
Unda rangdor toshday tovlanar shabnam,
Sayraysan, yer-ko‘kda boshlanar bayram.
Oh, mening kaklikkinam —
Rangorang ko‘hlikkinam!

Jo‘jalaring yurar qanoti yengil,
Nozik panjalari, paylari qizil,
Soy bo‘ylab yetaklab manzilma-manzil,
Ularga qurt va o‘t berasan sarxil.
Oh, mening kaklikkinam —
Rangorang ko‘hlikkinam!

Katta tosh ustiga parr etib chiqib
Qo‘shig‘ing kuylaysan obdon miriqib.
Gullar ham tinglashar bir-birin nuqib,
Mening qalbim yayrar erib va oqib.
Oh, mening kaklikkinam —
Rangorang ko‘hlikkinam!

KICHKINA DEHQON

Keldi navbahor, sayrar maynalar,
Har xil tarafga chopar jilg‘alar.
Shudgor haydashga yoshlar yo‘rg‘alar.
Men ham yordamga chaqirdim g‘ozni,
Omochga qo‘shdim turna darozni,
Haydashga qo‘ydim
chumchuq shavvozni.

Shudgorga sochdim suli, bug‘doy, don,
Kaklikka jilov tutqazdim shu on,
Yer haydash kechdi men uchun oson!

TONGOTARDA

Ququladi xo‘roz —
Tarqab ketdi tush.
Chiriqladi birdan
Qorong‘ida qush.

Ququladi xo‘roz
Otganida tong.
“Hayt-hayt”lab uyidan
Chiqdi qo‘ychivon

Ququladi xo‘roz
Chiqqanda quyosh.
“Voy-voy”lab buvimiz
Ko‘tardilar bosh.

Anushga

Men qo‘shoqar soy bo‘ylarida
Bug‘u quvib yurganman, Anush.
Azim tog‘ning zumrad bag‘rida
Ajib tushlar ko‘rganman, Anush.

U tog‘larda uchardi burgut,
Quyoshimni to‘sardi bulut,
Men xudodan so‘raganman qut,
Javob kutib turganman, Anush.

Xayollarim edi yop-yorug‘:
Vatan bo‘lsin gullarga to‘lug‘,
Bo‘lsin derdim rizqimiz bo‘lug‘,
Men Yerga baxt so‘rganman, Anush.

Ammo hayot abadiy emas,
Ketganlarni qaytarib bo‘lmas.
Ketaman men — umrim cho‘zilmas,
Hayot — qisqa, bilganman, Anush.

Miraziz A’ZAM tarjimalari

Экспертлардан бири Пол Голднинг ҳисоблашича, бу ҳолат барча ёш категорияларига тааллуқлидир. Шунинг учун, у мактаблар, коллежлар ва университетлардаги дарс машғулотлари ҳамда овқатланиш танаффуслари тартибини жиддий равишда қайта кўриб чиқишни таклиф қилмоқда.

ИНСОН МИЯСИНИНГ АТЛАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Мияни тадқиқ қилиш билан шуғулланаётган олимлар гуруҳи инсон миясининг муфассалроқ—компьютердаги атласини яратишга киришдилар. 15 миллион долларга баҳоланаётган бу лойиҳа якунлангач, инсон миясининг тузилиши ва фаолият механизмларини янада тўлароқ тарзда акс эттирадиган янги уч ўлчамли харитаси яратилади.

"Биз ҳанузгача инсон мияси қандай ишлаши ҳақида у қадар яхши тасаввурга эга эмасмиз,—дейди Калифорния университетининг махсус лабораторияси бошлиғи Артур Тога. —Шу билан бирга, биз турли одамларнинг миялари бир-биридан қандай қилиб фарқланишини ҳам ойдинлаштириб олмоқчимиз."

Инсон нерв системасининг ушбу марказий қисмини ўрганишда намуна сифатида фойдаланиладиган мия схемасининг модели бўлиб 60 ёшли француз аёлининг мияси хизмат қилади. Артур Тоганинг фикрича, агар гап бутун инсоният ҳақида кетадиган бўлса, бу модел тўлиқ маълумот бера олиши мумкин эмас.

"Бизнинг миямиз юзларимиз сингари бир-биридан тубдан фарқ қилади, — дейди Артур Тога. — Бизнинг қулоқларимиз, бурнимиз шакллари, кўзларимизнинг жойлашган ўрни ва ранги турлича, булар тузилишидаги фарқлар, холос. Агар инсоннинг мия мажмуасидаги мураккабликни инобатга оладиган бўлсак, бу фарқ янада яққолроқ намоён бўлади".

ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА

Инсон миясининг янги атласини тузиш лойиҳасида АҚШ мутахассисларига уларнинг турли давлатлардаги ҳамкасблари ҳам ёрдам беради. Лойиҳада мингдан ортиқ олим қатнашмоқда. Дунё аҳолисининг барча ўзига хос қатламларидан вакил бўлган 9 мамлакатнинг 7 мингдан зиёд фуқароси олимларга янги ҳаритани тузиш учун ўз миясини сканнердан ўтказишга рози бўлдилар.

Оқибатда мутахассислар олинган натижалардан инсон мияси ҳақидаги турли маълумотларни солиштиришда фойдаланиши, муҳими, буни "ON-LINE" (бир вақтнинг ўзида) тарзида бажаришлари мумкин. Ҳариталар ёш, жинс, шунингдек, генетик хусусиятлар ва авлодлар бўйича алоҳида-алоҳида тузилиши таҳмин қилинмоқда. Илгари ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миядаги озиқлантирувчи моддалар миқдори кўп ҳолларда авлоддан авлодга ўтадиган хусусиятлар билан белгиланади. Калифорния университетининг неврология бўйича мутахассиси доктор Томсоннинг айтишича, лойиҳанинг рўёбга чиқиши, масалан, нега айрим оилалар вакиллари ўта юксак тафаккур қобилиятига эга бўладилар, деган саволга ҳам аниқлик киритиши мумкин.

—Одамлар "улкан иқтидор" баъзан авлоддан авлодга ўтишини сезадилар, аммо ҳеч ким нега айнан шундай бўлишини билмайди. Янги лойиҳа бизга шу каби кўплаб масалаларни ойдинлаштиришга ёрдам беради, —дейди доктор Томсон.

КЎП ЎЙЛАНМАНГ, АКС ҲОЛДА...

Олимлар ўта фаол ақлий фаолият мияга ёмон таъсир қилади, деган хулосага келдилар. Хуллас, ақлли бўлиш ташвишлари — фақат мазкур ҳолатда бу жумлани аниқ тиббий мазмунда тушуниш керакка ўхшайди. Шу сабабдан, одамлар яқин кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўйлаш соғлиқ учун ҳавфли" деган огоҳлантиришига дуч келиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

КАЛАМУШЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА

Миядаги озиқ моддаларнинг ўта қаттиқ тарангланиши(яъни миянинг қаттиқ ишлаши), биринчи навбатда, ёши катта инсонларга салбий таъсир этади. Виржиния(АҚШ)даги университетлардан бирининг мутахассислари айнан шу ёш гуруҳини текширдилар. Дастлабки тажрибалар лаборатория каламушларида ўтказилди. Олимлар шуни аниқлашдики, қари кемирувчилар жуда кўп нарсани эслашга мажбур қилинганда, улар миясидаги глюкоза моддаси муттасил равишда камайган.

Маълумки, глюкоза, мияни озиқлантирувчи асосий модда ва унинг миқдори камайгандан сўнг қайта тиклаш осон эмас. Экспертлардан бири Пол Голднинг ҳисоблашича, бу ҳолат барча ёш категорияларига тааллуқлидир. Шунинг учун, у мактаблар, коллежлар ва университетлардаги дарс машғулотлари ҳамда овқатланиш танаффуслари тартибини жиддий равишда қайта кўриб чиқишни таклиф қилмоқда. Унинг фикрича, кейинги тадқиқотлар олимларга кексайган сари хотиранинг заифлашиб боришини тушуниб олишда ҳам ёрдам беради.

ГЛЮКОЗА КАЛАМУШЛАР УЧУН ЗАРУР

Доктор Эванс Макней ҳам ўз илмий ишларида глюкозаларга алоҳида урғу беради. "Ўтказган тажрибаларимиздан ёш каламушларнинг айни пайтда ишга тушган мия қисмларига глюкозанинг зарур миқдорини осонлик билан тақсимлаганига амин бўлдик", дейди доктор.

Қарироқларига келсак, уларда глюкоза миянинг фаол жойларига автоматик равишда юборилмайди ва худди шунинг учун ҳам, ўйлаш ва эслашни талаб қиладиган мураккаброқ хатти-ҳаракатлар қари лаборатория жониворларига кўпроқ қийинчилик туғдирган. Бундан глюкозанинг етарли миқдори — мия фаоллигини ошириш ҳақидаги масалага жавоб бўлади, деган хулосани ҳам чиқариш мумкин. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Балки нормал овқатланишнинг ўзи кифоядир?

Сўнгги пайтларгача жонли мавжудот агар нормал овқатланса, ҳатто, шунчаки оч қолмаса, мияда глюкоза танқислиги юзага келмайди, деб ҳисобланарди. Аммо тажрибалар бунинг аксини кўрсатди. Синовларда тажриба қилинаётган каламушлар юқори диққат, эслаш ва маконга мослашиш қобилиятини талаб қиладиган лабиринтдан чиқиб кетиши керак эди. Тажрибадан сўнг улар миясининг эслаб қолувчи нуқталаридаги глюкоза миқдори ўлчанганда, унинг даражаси 30 фоизга камайгани маълум бўлди.

Глюкозани қайта тиклашга узоқ вақт кетди. Шунга қарамай, олимлар бу вазиятдан чиқиш йўли бор ва мияни қайта озиқлантириш воситаси сифатида мутлақо анъанавий тарзда глюкозали инъекциялардан фойдаланиш мумкин, дейишмоқда. Дарвоқе, эмлашларсиз ҳам мазкур муаммони ҳал қилиш мумкин, яъни мия бурмаларининг тарангланишини талаб этадиган бирор жиддий машғулотдан олдин овқатланиб олиш лозим. Тўйиб овқатланиш, гап агар ёшлар ҳақида кетадиган бўлса, мия учун анча яхши қувват бўлиши мумкин.

КЕКСАЛИК — ШОДЛИК ЭМАС

Қуйида ёзиладиган гаплар ёши қирққа яқинлашаётган ёки бу ёшдан ўтганлар учун ёқимсиз янгилик бўлиши мумкин.

Чунки айнан шу ёшдан кейин мия ёмонроқ ишлай бошлаши энди исботланди. Гап касалликлар эмас, балки тафаккур қобилиятларининг ёмонлашуви ҳақида бормоқда.

Яқинда профессор Кенет Веснес Британия Психологлар жамиятига 18 ёшдан 80 ёшгача бўлган 2000 дан ортиқ одам қатнашган ва анча катта маблағ сарфланган эксперимент натижаларини тақдим қилди.

—Мия фаолиятини бизнинг қанчалик тез фикрлашимиз, нарсалар, рақамлар, тушунчалар, шакллар, чеҳраларни қанчалик тез эслаб қолишимиз ва таниб олишимиз билан баҳолаш мумкин,— деди профессор Би-Би-Си мухбирига ўз илмий тадқиқотлари тўғрисида сўзларкан.

40-45 ёшдан кейин эса айнан шу тезлик камая бошлар экан. Миянинг бу ишлаш қобилияти вақт ўтиши билан муттасил, умр охиригача пасайиб боради.

КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА

Веснес ва унинг ходимлари мия фаолиятининг муҳим жиҳатларини баҳолай оладиган компьютер тизимини ишлаб чиқдилар.

Тажрибадан маълум бўлишича, кексароқ одамлар янги маълумотларни секинроқ ёдда сақлаб қолади. Синалаётганларнинг ҳар бирига таний олиш ва хотира бўйича тестлар тўплами берилиб, уларга 30 дақиқага мўлжалланган ўлчагич асбоб қўйилди. Тажрибада 40 ёшдан ошганларнинг ёшларга нисбатан камроқ вазифаларни бажаришга улгурганлиги маълум бўлди.

Кекса ёшдагилар сўзлар, рақамлар, шаклларни секинроқ танийдилар, у ёки бу тушунча ёхуд шакл илгари учраган-учрамаганлигини яхши аниқлай олмайдилар, диққатини бир жойга йиғиш улар учун қийинроқдир.

Шу сабабли, ёши катта одамлар қийин масалаларни еча олмайди, дейиш нотўғри. Бунинг учун уларга кўпроқ вақт керак, холос.

ҚАРИШ ЁКИ ҚАРИМАСЛИК ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

Хўш, ўзи муайян ёшдан сўнг мияда жисмоний жиҳатдан нима содир бўлади? Миянинг шаклан кичрайиши, нерв тизимидаги нейронларнинг ўлиб бориши аллақачон маълум бўлган нарсалар. Бироқ энди, биз ёш улғайган сайин миянинг ёмонроқ ишлаши ҳақидаги статистик далилларни олдик.

Мия фаолиятининг ёмонлашуви барча учун бирдек муқаррар, деб айтиб бўлмайди. Юқорида баён этилган экспериментда масалаларни ёшлардан кўра тезроқ ечган қариялар озчилик эмас эди, аммо мия фаоллигининг пасайиши, бу — статистик факт.

Бу билан курашиш, умуман олганда, қийин эмас, одам ўз миясига худди мушаклар каби доимий юк бериб туриши лозим, айтиш мумкинки, уни формада сақлаш керак.

ВВСнинг Интернетда тарқатган маълумотлари асосида Ботиржон ҒАФУРОВ тайёрлади.

Shov-shuv

ЎЙИНЧОҚ ҚАРСИЛЛАДИ, ЮРАКЛАР ЧАРСИЛЛАДИ

Бола барчамиз учун азиз. Уларни хурсанд қилиш турли хилдаги ўйинчоқларни сотиб оламиз. Бироқ, айрим ўйинчоқлар ҳам борки улар болаларга завқу шавқ бағишлаш билан бирга уларнинг соғлиғига жиддий хавфу хатар ҳам туғдиради. Булардан бири порох воситасида кучли овоз чиқарувчи қарсилдоқлар бўлиб, улар асосан байрамлар арафасида бозорларда пайдо бўлиб қолади.

Шу боис, байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари ходимлари махсус тадбирлар ўтказдилар.

Кучли овоз чиқарувчи ўйинчоқ воситалар (қарсилдоқларни) сотаётган кишиларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирлар натижасида ушбу воситаларни сотиш билан шуғулланаётган ўнлаб фуқаролар аниқланиб, улардан бир неча мингдан зиёд кучли овоз чиқарувчи воситалар олиб қўйилди. Бироқ шунга қарамай айрим учар сотувчилар сотиб улгурган бу ўйинчоқлар ўзининг аянчли кароматини ҳам кўрсатишга улгурди.

Маълумки, янги йилни миллионлаб юртдошларимиз катта қувонч ва тантана билан кутиб олдилар. Минг таассуфлар билан эътироф этиш жоизки, шундай шодиёна кунларда айрим оилаларда нохуш ҳодисалар ҳам рўй берди. Албатта, бунга юқорида айтганимиз "қарсилдоқ" деб аталмиш, Хитойда ишлаб чиқарилган ўйинчоқлар ҳамда ўсмир ёшлар томонидан қўлбола қилиб ясалган кучли овоз чиқариб портловчи ўйинчоқлар сабаб бўлди.

Янги йил кечаси Қўқон шаҳар Холиқов кўчасида яшовчи Содиқовлар оиласининг тинчлиги бузилди. Хонадонда байрам шукуҳи ҳукмрон бўлган пайтда ўғиллари Бекзоджон чинқираб қолди. У болалик қизиқиши билан отган "қарсилдоқ" чап қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқларини олиб кетди.

2002 йилнинг 1 январь куни Самарқанд шаҳрида яшовчи Ботировлар оиласи ўғиллари Қосимнинг афт ангоридан даҳшатга тушиб қолишди. Чунки, 6-синфда ўқийдиган Қосимжон Хитойда ишлаб чиқарилган мосламанинг ёрилиб кетиши натижасида юзидан оғир жароҳат олганди.

Afsus

Ўртоқларининг қарсилдоқ билан ўйнаётганига ҳаваси кетган бироқ ота-онаси олиб бермагани учун уни қўлбола тарзда ясаб портлатмоқчи бўлган Шодиёр исмли бола эса гугурт донасининг ёнувчи қисмларидан товуш чиқарувчи модда тайёрлаб уни темир қувур ичига жойлайди. Бироқ, у портлаган пайтда қувур ёрилиб кетиб, оловли заррачалар Шодиёрнинг томоқ қисмига тегади ва унга оғир жароҳат етказади.

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида яшовчи фуқаро Мирзаев бозордан ўғлига қарсилдоқ сотиб олиб бергани учун бугун ўзини роса койимоқда. Негаки, ўғли кўчага чиқиб ўртоқлари билан ўйнаганида, қарсилдоқдан чиққан чақин Шокирнинг кўзига тегади ва оғир тан жароҳати олади. Демак, бир эмас икки оиланинг тинчлиги бузилди.

Шунингдек, Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқаро Исоқхўжаев ҳам қизчасини севинтираман деб, изтиробга солиб қўйганини кеч англади. Чунки, қизига олиб келган қарсилдоқ унинг кўзига тегиб кетди.

Азизжон исмли бола эса Хитой тўппончаси портлатиши натижасида ўнг кўзидан қаттиқ жароҳат олди. Яна бир Шокиржон исмли бола ҳам қарсилдоқни портлатиши натижасида томоқ қисмидан оғир жароҳат олди.

Афсус, барчага қувонч ва шодлик улашувчи байрамни ноодатий нишонлашга уринишнинг ва болалар назоратсиз қолишининг оқибатида рўй берган бу аянчли кўргуликлар сабабчилари кимлар?

Албатта, ўзимиз. Чунки биз бозорларда пул топиш ишқига тушган портловчи ўйинчоқфурушларнинг тегирмонига сув қўйиб улар сотаётган ўйинчоқларни пулимизга сотиб олиб бераяпмиз. Шу боис, тирикчилик деб шундай маҳсулотлар билан савдо қилаётган бу кишилар билан бир қаторда аввало ўзимизни ҳам айблашимиз керак. Ахир уларни биз сотиб олмасак улар бизга бу матоҳларни текинга беришмайди-ку.

Ш.РЎЗИЕВ
ИИВ Матбуот маркази ходими

ТОЛИБЛАР МУЛЛА УМАРНИ ТОПШИРМОҚЧИ

"Франс-Пресс" агентлигининг хабар беришича, "Толибон" ҳаракати аъзолари мамлакат жанубидаги "Толибон" истеҳкомларини АҚШ ҳаво қўшинлари томонидан бомбардимон қилиниши тўхтатилса, улар ўз раҳбарлари мулла Умарнинг Афғонистон ҳокимиятига берилишини айтганлар. Тахминларга кўра, Муҳаммад Умар Хелманд вилоятининг Багран туманидан паноҳ топган. Шунингдек, толиблар қўмондонларидан бўлмиш Абдул Ахад ушбу шарт бажарилса ўзининг 1,5 минг кишилик армияси ҳам қуролларини топширишини билдирган. Манбаларга кўра, унинг жангарилари орасида Бин Лоденнинг "Ал-Қоида" ташкилоти аъзолари ҳам бор.

ДУНЁ ДАРИЧАСИ

ЕВРО ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛДИ

Европанинг 3 та мамлакатидан ташқари қолган барча давлатлар ягона валюта Еврога ўтганига ҳам саноқли кунлар бўлди.

Валютани муомалага киритиш даври кечаётган бир вақтда, Германияда 12 ёшли қиз 50 евронинг қалбакилаштирилгани билан айбланиб, полиция қўлига тушди.

Полиция ходимининг айтишича, қизча Кельндан Тройсдорф шаҳрига йўл олган поездда ҳибсга олинган. Европа Марказий Банки эса еврони кўп реклама қилгандан кўра, уни қалбакилаштиришдан сақлаш кераклигини таъкидламоқда.

КУЧЛИ ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Мамлакат марказига фаластинлик террорчи кириб келгани ҳақида маълумот олингандан сўнг, Исроил полицияси ва ҳарбийлари жанговар ҳолатга келтирилди. Ҳозирда шаҳар кучли назорат остига олинган. Ундан аввалроқ эса Исроил армияси Фаластин мухториятининг катта қисмини қамал ҳолатидан озод этган эди.

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги эса расмий Тель-Авивни православлар байрамида иштирок этиш учун Ёсир Арофатга Вифлеем шаҳрига боришига рухсат беришга чақирди, дейилади "Рейтер" агентлиги тарқатган хабарда.

КАРТЕР ЖАНЖАЛЛАР ОҒУШИДА

Оммабоп «Backstreet Boys» гуруҳининг 21 ёшли аъзоси Ник Картер Флорида штатининг Тампа шаҳри полициячилари томонидан қамоққа олинди, деб хабар беради Assosiated Press агентлиги.

Бунинг асосий сабаби, Тампи полициячисининг айтишича, гуруҳ биринчи марта Pop City клубига ташрифи чоғида юз берган жанжалда 4 киши жароҳатланган. Полициячилар озроқ вақт ўтгандан сўнг яна бир жанжални кузатган.

Худди шу жанжалларга Кортер жавоб бериши керак. Бунинг ҳаммаси учун Кортер суд олдида жавоб беради. Биринчи иш бўйича 4 март куни суд бўлиб ўтади.

УРУШИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаининг билдиришича, Покистон билан урушишга зарурият йўқ. Расмий Деҳли музокаралар ўтказишга қарши эмас. Лекин, бу учун аввало Покистон ҳудудидаги террорчилар фаолиятига чек қўйиш лозим. Ҳозирда эса ядро қуролига эга мазкур давлатлар ўз қуролли кучларини жанговар ҳолатга келтирганлар. Шунингдек, Кашмирдаги ҳинд ҳарбийлари машинасига уюштирилган айирмачиларнинг ҳужуми туфайли камида икки нафар аскар ҳалок бўлган, дея хабар беради "Асошиэйтед Пресс" агентлиги.

ФЕДЕРАЛ КУЧЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

"РИА" "Новости"нинг хабар беришича, охирги бир ҳафта ичида Чеченистоннинг Курчалоев туманида Россия Федерал кучлари 100 нафардан ортиқ жангарини йўқ қилганлар. Бу борадаги ҳарбий операциялар Старые-ва Новые Атаги, Чири-Юрте, Цоцен-Юрте қишлоқларида ўтказилган. Лекин, рус аскарларидан ҳам 2 киши ҳалок бўлиб, 11 нафари жароҳатланган.



Шунингдек, Шамил Басаев қуролли гуруҳида фаолият кўрсатган уч нафар жангари ҳибсга олинди. Улар 1995 йил Басаевнинг 162 кишилик гуруҳининг Будёновскда амалга оширган жиноятига алоқадорликда айбланмоқдалар. Ўшанда шаҳарнинг 143 нафар фуқароси ҳалок бўлиб, 400 дан ортиғи тан жароҳати олган эди.

Nobel mukofoti sohiblari

БЕЗГАККА «ЎТ ОЧГАН» ОЛИМ

Инглиз врачи ва олими Рональд Росс Алмора (Непал)да, Британия армияси зобити оиласида 1857 йил 13 май куни таваллуд топган. Рональд оиладаги ўн боланинг энг каттаси эди. Уни 8 ёшга тўлганида Англияга, мактабда таълим олиши учун жўнатишди. Роналд бутун умри давомида ёзувчи, артист ёки мусиқачи бўлишни орзу қилганига қарамай (у кўплаб шеър, пьеса ва романлар муаллифи), 1874 йили отасининг маслаҳатига кўра муқаддас Варфоломей касалхонаси қошидаги тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Орадан 5 йил ўтиб коллежни битирди ва 1881 йилдан бошлаб «Ҳиндистон тиббиёт хизмати» Британия ташкилотида врач сифатида ишлай бошлади.

Ҳиндистондаги иш фаолиятининг дастлабки йиллари Роналд тиббиёт билан ижод ва математикани ўрганганчалик шуғулланмади. Кейинчалик у: «Мен ўзимнинг тиббиёт соҳасидаги вазифаларимга эътибор бермасдим. Мен доимо банд эдим, бироқ бандлигим адабий меҳнат билан эди. Мен одамларга инсоният учун асосий кулфат бўлиши мумкин бўлган касалликларнинг сабабларини қидириб топиш йўлида ҳеч нима қилмасдим», деб ёзган эди. Ҳиндистонда мана шундай энг кенг тарқалган касалликлардан бири безгак эди. Роналд безгакнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга карор қилди. У бунинг учун Англияга олган илк таътилида (1888 й.) соғлиқни сақлаш бўйича диплом олди ва бактериология курсини тинглади. 1889 йили Ҳиндистонга қайтгач, безгак билан оғриган беморларнинг қонларини микроскоп ёрдамида ўрганишга киришди. 1880 йили Шарл Лаверан безгак касаллигини бир ҳужайрали паразит-плазмодий келтириб чиқаришини аниқлади. Бугун бизга плазмодийлар одамнинг қизил қон таначалари (эритроцитлар)га кириб, у ерда жинссиз кўпайиши, эритроцитларни емириб спора ҳосил қилиши ва жинссиз кўпайишнинг янги циклини бошлаши маълум. Охироқибат плазмодийлар ярим ой кўринишига эга навқирон шаклга айланади ва бемордан чақиш вақтида чивинга ўтади. Плазмодийларнинг жинсли кўпайиши чивин организмида рўй берганлиги сабабли инсон бу паразитлар учун оралиқ хўжайин ролини ўйнайди. 80 йилларда (кўпроқ Камилло Голжи татқиқотларига асосан) плазмодийларнинг инсонда жинссиз кўпайиш босқичлари ўрганиб чиқилган бўлса-да, безгакнинг юқиш йўли аниқланмаган эди. Росс шу даврда устувор ҳисобланган назарияга шубҳа билан қаради. Ушбу назарияга мувофиқ касаллик юқиши ҳаво орқали (айниқса, ботқоқлик жойларда) содир бўларди. Росс ўзининг қатор мақолаларида безгак қонда ичак заҳарининг тўпланиши билан асосланишини исботлашга уриниб кўрди. Роналд Росс Лавереннинг плазмодий назариясини тан олмади. Зеро, Росснинг Ҳиндистонда танишган биринчи мақолалари, бу паразитларни топа олмаган татқиқотчилар томонидан ёзилган эди. Англиядаги иккинчи таътили (1894 й.) давомида Роналд Патрик Мэнсон билан учрашди. У Роналдга безгак билан оғриган беморлар қонида Лаверан топган плазмодийларни кўрсатди. Врач ва паразитолог Менсон филлашув ёки элефантиаз касаллиги паразит қуртлар томонидан келтириб чиқарилишини, бу қуртларнинг личинкалари эса инсонга чивин чаққан вақтда ўтишини исботлади. Менсон Россга безгак касаллиги ҳам чивин чаққанида юқиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминларни гапириб берди, бироқ у бу тахминини исботлай олмади. «Бу тахмин мени жуда қизиқтириб қўйди,- деб ёзган эди Росс кейинчалик,- мен шу заҳотиёқ Ҳиндистонга қайтгач, уни тажрибаларда синчиклаб текшириб кўришга қарор қилдим». Менсон унинг бу қарорини маъқуллади ҳамда Россни Ҳиндистонга келгуси йилда юбориш учун ҳукуматни кўндиришга ўзининг бор имкониятларини ишга солди.

Секундарободда Росс плазмодийларни топиш мақсадида чивинларни гистологик тадқиқ эта бошлади. Бироқ, раҳбарият томонидан кўмак берилмаётгани, Роналднинг энтомологияни билмаслиги ҳамда зўр бериб роман ва шеърлар ёзишни давом эттираётганлиги унинг ишларига ҳалақит берарди. Бундан ташқари, Ҳиндистонда илмий адабиётлар жуда оз бўлиб, Россда ҳатто чивинларнинг илмий таснифи бўйича материаллар ҳам йўқ эди. Шу сабабга кўра у ўз таснифини яратишга мажбур бўлди.

Икки йил мобайнида Росс оддий чивинларни ўрганди. Ниҳоят, Anopheles туридаги чивин ошқозони деворларида безгак билан оғриган беморлар қонида Лаверан топган плазмодийларга ўхшаш пигментли цисталарни топишга муваффақ бўлди. Бу цисталар плазмодийларнинг бир шакли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахмин Росснинг тажрибаларида тасдиқланди. У нафақат чивинларни тутарди, балки уларда даставвал касаллик қўзғатувчиси бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун уларни кўпайтириш билан ҳам шуғулланарди. Шундан сўнг чивинларга касалликнинг турли босқичларидаги беморлар қонини берар ва чивинларнинг ошқозонини ўрганарди. Кейинчалик унинг ёзишича, унинг плазмодийлар аниқ бир туридаги чивинлар организимида ривожланиши тўғрисидаги хулосаси «безгак муаммосини ҳал қилди. Тадқиқотларнинг келгуси йўналиши аниқ равшан бўлди, ҳамда шак-шубҳасиз фан ва инсоният навбатдаги ғалабани қўлга киритганди».

Тажрибалари ниҳоясидан кўп ўтмай Росс Ражпутанага ишга ўтказилди. Бу ерларда одамлар ўртасида безгак касаллиги учрамаслиги боис, у инсонлардагига ўхшаш қушлар безгагини ўрганиш билан шуғулланабошлади. Олти ой ўтгач, Менсон яна ўз таъсиридан фойдаланиб Роналдни безгак тарқалган Калькуттага ўтказишга муваффақ бўлди. Бу ерда беморларни чаққан турли чивинларда безгак қўзғатувчисини аниқлашга уриниб кўрди. Бу муваффақиятсизлигидан сўнг у яна қушлар безгаги билан шуғуллана бошлади. 1898 йили чивинларнинг сўлак безларида давом этувчи, касалланишнинг муҳим босқичини ўз ичига олган қўзғатувчининг ҳаёт циклини аниқлади. 1899 йили Росс «Ҳиндистон тиббиёт хизмати» дан бўшади ва Англияга қайтиб келди. Унинг экспериментал тиббиётдаги фаолияти шу билан ниҳоясига етди. Бироқ, унинг қушлар безгаги бўйича ишларидан инсон безгагини ўрганишда италиялик тадқиқотчилар гуруҳи, хусусан Баттиста Грасси ва Амико Бинями фойдаланишди. Грасси ўз ходимлари билан биргаликда қушларда ҳам, инсонларда ҳам безгак касаллиги Anopheles туридаги чивин орқали юқишини кўрсатиб берди. Улар инсон организмидаги плазмодийларнинг ҳаёт циклини таърифлаб бердилар, аввал касалланиш эҳтимолига учрамаган инсонни Anopheles чивини чаққанидан безгак билан касалланганлигини аниқладилар ҳамда ботқоқлик жойларда яшовчи шахслар безгакдан оддий чивинга қарши тўрлар ёрдамида сақланишлари мумкинлигини исботладилар. Аммо Росс, «Бинями ва Грасси ишлари шошиб бажарилган ва тўлақонли эмас» деган фикрда эди ва уларнинг инсон безгаги чивин орқали юқиши мумкинлиги ҳақидаги кашфиётларини «илмий тақдирини ҳозирданоқ айтиб бериш мумкин бўлган очиқ-ойдин янглишиш» деб номлади.

Шунга қарамай, Росснинг қушлар безгаги бўйича бажарган ишлари, Грассининг инсон безгаги бўйича тадқиқотларидан анча олдин бажарилганлиги аниқ эди ва Р.Россга 1902 йили физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофоти «безгак бўйича тадқиқотларида касаллик қўзғатувчиси инсон организмига қандай тушишини кўрсатиб берганлиги ҳамда бу билан шу соҳадаги келгуси муваффақиятли тадқиқот ишларига ва безгакка қарши кураш усулларини ишлаб чиқишга негиз яратганлиги учун» насиб этди. Каролина институти тадқиқотчиси К.Мернер ўз нутқида «тадқиқотнинг безгак соҳасидаги муваффақиятларга асос бўлишдек аҳамияти ҳамда унинг тиббий амалиёт ва айниқса, гигиена нуқтаи назаридан бой мазмунини» кўрсатиб ўтди.

Ўз фаолиятининг охирги 20 йилини Росс эпидемиология ва безгакнинг олдини олишга бағишлади. Тропик тиббиётнинг Ливерпул мактабида, Британия ҳарбий вазирлигида ва 1926 йили ташкил этилган Росснинг Лондон тропик тиббиёт институтида фаолияти давомида безгакка қарши курашнинг асосий шарти чивинларни йўқотиш эканлиги тўғрисидаги ғояни олға сурди. Унинг усуллари Куба ва бошқа мамлакатларда ушбу касалликда энг самарали бўлиб чиқди. Бир неча ўн йиллар ўтиб Паол Миллер ДДТни кашф этгач, бу усуллар янада ўзини кўрсатди.

1889 йили Р.Росс Роза Бесси Блоксегага уйланди. Уларнинг оилаларида икки ўғил ва икки қизлари бор эди. 1932 йили 16 сентябрда узоқ давом этган касалликдан сўнг Росс ўз номи билан аталувчи Лондон институтида вафот этди. Росс Тропик тиббиёт жамиятининг президенти эди. 1911 йили унга дворянлик титули берилган. У Каролина институти фахрий тиббиёт даражасига мушарраф бўлган ва кўплаб Европа илмий жамиятларининг фахрий аъзоси эди. Биринчи жаҳон уруши даврида Британия ҳарбий вазирлигидаги маслаҳатчи сифатидаги ишлари учун 1918 йили муқаддас Михаил ва муқаддас Георгий орденлари билан тақдирланган.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика жамияти ҳайъати аъзоси

"Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш" китобида эса муаллиф Навоийгача ва Навоий даври ўзбек адабиётининг хорижий шарқ, форс классик адабиёти билан алоқалари, Навоий асарларининг Туркия ва Озарбойжонда тарқалиши, кўрсатган таъсири ҳақида сўз юритади.

Unutilmas siymolar

МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби адабий-маданий меросни ўрганишда ҳам янги изланишлар изчил тус олди. Бу борада, айниқса, юртимиз истиқболи учун курашган фидойиларимизнинг ҳаёти, фаолияти, чоризм ва шўро истибдоди давридаги аччиқ қисматлари, уларнинг ибратли сабоқларини ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Улардан бири таниқли адабиётшунос ва театр тарихчиси, фольклоршунос Миён Бузрук Солиҳовдир (суратда). Унинг таваллудига яқинда 110 йил тўлди.

Миён Бузрук Солиҳов 1891 йили Тошкентнинг Қашқар маҳалласида ўқимишли инсон Солиҳ ака хонадонида дунёга келди. Дастлаб маҳалласидаги ибтидоий эски мактабда савод чиқарган Миён Бузрук мадрасада ўқиган йилларидаёқ ўша даврда Туркистонда урф бўла бошлаган европача янги адабиёт ва матбуот, маориф янгиликлари билан қизиқиб таниша бошлайди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг у маориф ишларида ишлаб, 20-йилларнинг бошларида Туркистонда большевиклар ҳукмронлигига қарши бошланган миллий истиқлол ҳаракати ғояларини амалга ошириш йўлида изланиб, аввал Афғонистон, сўнг Ҳиндистонга боради, бу мамлакатлардаги маҳаллий халқларнинг чет эл мустамлакачиларига қарши мустақиллик курашлари тарихи, маданияти билан, Туркиядаги олий таълим тажрибалари билан танишади. Унинг ўғли Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси Мазҳар Солиҳовнинг ҳикоя қилишича, Миён Бузрук 1927 йили Туркияда дорилфунунни битириб, ўша йили Одесса орқали Тошкентга қайтади ва Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлайди. Шарқ факультетида таълим олаётган аспирант ва студентлардан Мухтор Авезов, А.Боровков, М.Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий каби бўлажак олим ҳамда ёзувчилар ундан сабоқ олишган. Шу билан бирга Тошкентда очилган Тожикистон Давлат маориф институтида тожик тили ва адабиётидан (1931-1932), Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида, сўнгра ЎзФА Тил ва адабиёт институтида ва бошқа йирик таълим масканларида дарс беради. Атоқли олим қатағонга учраб, 1938 йил 5 октябрда ҳалок бўлади.

Миён Бузрук Солиҳов ўз илмий ва педагоглик фаолияти давомида Иззат Султонов, Ҳамид Сулаймонов, Имомхон Ҳусанхўжаев, Мумтоз Муҳамедов, Шуҳрат каби талантли адабиётшунос, ёзувчи, драматург ва шоирларга ўзбек адабиёти тарихидан сабоқ берган. Профессор Фитрат, Е.Д. Поливанов, Ғози Олим Юнусов, Абдулла Авлоний, илмий ходимлардан Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Улуғ Турсунов, таржимон Л.Соцердотова ва бошқалар билан илмий, ижодий ҳамкорлик қилган, ўзбек адабиёти, театри тарихи, фольклор ва этнографияси, ўзбек тил масалалари бўйича "Ўзбек", "Бедил" (1928), "Меҳробдан чаён" ҳақида" (1929), "Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш" (1930), "Октябргача бўлган ўзбек фольклори", "Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида" (1934), "Ўзбек театри тарихи учун материаллар" (1935) каби асарлар эълон этган. У С.Айнийнинг "Дохунда" романини тожик тилидан ўзбекчага ўгирган ва бу асар 1932 йили Тошкентда нашр этилган. Шунингдек, Муҳаммад Шариф Сўфизоданинг шеърларини тўплаб, нашр эттирган.

А.Қодирийнинг "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" ва бошқа асарларининг русчага биринчи таржимони, таниқли шарқшунос Л.Соцердотова 1930-1936-йилларда унинг Қашқар маҳалласидаги ҳовлисидаги ҳужралардан бирида яшаган, ўзбек ва шарқ адабиёти, тили ва этнографияси хусусида улар мароқли ижодий суҳбатлар қуришган. Олимнинг "Меҳробдан чаён" ҳақидаги мақоласи ўша даврдаги М.Шевердин ва С.Ҳусайннинг "Ўткан кунлар" романи ҳақидаги вульгар социологик позицияда туриб ёзилган мақолаларидан фарқ қилади. У Қодирий асарларининг ўзбек романчилиги тарихида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: "Сўнг замонгача ўзбек адабиётида роман номига "Баҳори Дониш", "Юсуф ва Зулайҳо" ва бошқалар каби ишқ деб қаҳрамонлик, вафогарликларнигина хаёл қилган хаёлий эски асарлардан бошқа нарса йўқ эди. Ҳамза Ҳакимзоданинг "Миллий роман" номли кичик бир асари бўлса-да, уни бугунги романчилик шароитида роман деб бўлмайди. Шунинг учун Жулқунбойнинг "Меҳробдан чаён"и фақат шу автор учунгина эмас, умуман янги ўзбек адабиёти учун ҳам иккинчи роман эди". "Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш" китобида эса муаллиф Навоийгача ва Навоий даври ўзбек адабиётининг хорижий шарқ, форс классик адабиёти билан алоқалари, Навоий асарларининг Туркия ва Озарбойжонда тарқалиши, кўрсатган таъсири ҳақида сўз юритади. Шунингдек, Фузулийнинг Ўрта Осиё халқлари адабиёти, айниқса, Умархон давридаги Қўқон адабий муҳитига таъсири хусусида ҳам фикр билдиради. Олимнинг қарашларини ишонарли бой тарихий-адабий фактлар, далиллар орқали ўқувчиларга тақдим этгани унинг шарқ адабиёти, айниқса, форс-тожик тили ва адабиёти тарихининг нозик билимдонларидан эканини кўрсатади. Жумладан, у шундай ёзган эди: "Ҳусайн Бойқаронинг асрдоши бўлган Истанбул султони Султон Салим саройида Чиғатой шеърларидан Саккокийнинг асари кўринади. Демак, Саккокийнинг шеърлари Туркия саройларида унинг ўз вақтидаёқ ўқила бошланган..."

Навоийнинг ўз замонида Эрондаги Мирзо Ёқуб саройида асарлари ўқуларди.

Машҳур Абдуллахон (ўлими 1006 ҳижрий) Истамбулга юборган ҳадялари орасида Навоийнинг "Хамса"сини ҳам юборади ("Хева тарихи", Истанбул босмаси, саҳифа 80). Амир Умархон ҳам Лутфий, Навоий ва ўзининг девонини тўплаб, "Муҳаббатнома" номи ила Истамбулга, Султон Маҳмудга ҳадя қилади...

Чиғатой адабиётига (ўзбек адабиёти маъносида — Ш.Т.) янги оригинал йўл ила қараган профессор Е.Э.Бертельснинг "Навоий асарларини англамоқ учун Эрон адабиётидан хабардор бўлмоқ лозимдир", дейилишига тамоман ҳақ беришга тўғри келади...

Навоий асари Ироққа бориб Фузулийни яратган бўлса, Фузулий ҳам ўз навбатида, жумладан, "олтин бешик" доирасида ўзига тарафдор ва аҳл топаолган демакдир.

Фузулий XV аср ўрталарида Ироқнинг пойтахти бўлғон Боғдод шаҳрида яшаб ўтган, Навоий асарларидан таъсир олиб шеърлар ёзган. Ҳозирда Фузулий шеърлари Усмоний ва озорий лаҳжаларидаги энг эски шеърлардан ҳисобланади. Амир Умар давридан сўнгра Тошкент ва Фарғона бошланғич мактаб программаларида Фузулий девонини ҳам кўрамиз (яъни Сўфи Оллоёр китобидан сўнгра ва Навоий "Девон"идан аввал ўқитардилар)". (М.Бузрук. "Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш" Т., 1930). "Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида"ги рисоласида бу ҳақдаги ўзигача ёзилган Лутфулла Олимийнинг" Унутилган шоир" (1925), Шокир Сулаймоннинг "Шоир Тоҳир Сўфизоданинг қисқача таржимайи ҳоли" (1926) каби биографик мақолаларидан фарқли ўлароқ, Сўфизоданинг ҳаёти ва фаолияти, маърифатчилик ишлари, хорижий шарқ мамлакатларига саёҳатлари, айниқса, Туркия, Афғонистон матбуотларидаги мақолалари ҳақида холис фикр билдирган.

"Ўзбек театри тарихи учун материаллар" (1935) китобида эса умуман ўтмиш адабий-маданий меросимизнинг таркибий қисми бўлган театримизнинг энг қадимги манбалари, жумладан, "Мавлавийлик" халқ театри, қўғирчоқ театри ўйинлари, қизиқчилик, рус, татар, озарбойжон матбуоти ва адабиёти, театр гастроллари ва таржима асарининг таъсирлари ҳақида жуда кўп маълумотлар жамланган.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўзбек театри тарихидаги ўрни, "Падаркуш" пьесасининг босилиш ва саҳналаштириш тарихи, биринчи ўзбек миллий театри асари сифатидаги муҳим белги ва хусусиятлари, ижрочилари, ижобий таъсири, ўша давр матбуотининг бу асарга берган баҳолари ҳақидаги қимматли материаллар ҳам шу китобда келтирилган. "Умуман қараганда, — деб ёзган эди Миён Бузрук Солиҳов, — "Падаркуш" пьесасининг қўйилиши билан Ўзбекистоннинг ҳар тарафида феодализм унсурлари кўпроқ огоҳланиб, "Падаркуш"ни яратмоқчи бўлган буржуазия ислоҳотчилиги ҳаракатларига ҳам жуда қаттиқ қарши тура бошлаганлар...

"Падаркуш" пьесасининг саҳналашиши ўзбек театри соҳасида чиндан ҳам бошланғич очиқ бир бурилиш бўлиб, унинг орқасидан турли мавзуда бир қатор пьесалар чиқара борадилар".

Шу билан бирга унинг 30-йилларда ёзган асарларида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, "Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари" (1933) асарида Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Боту каби ижодкорларнинг ҳақиқий миллий истиқлол руҳидаги шеърлари ўринсиз миллатчилик шеърлари сифатида қораланади. Уларнинг социалистик тузум тазйиқи таъсирида зўраки битилган сатрлари эса ижобий ҳодиса сифатида кўрсатилади.

Миён Бузрук Солиҳов Ўзбекистонда 30-йилларда кучайган вульгар социологик танқидчилик назариясининг зарарли таъсири остида Ҳамза, С.Айний, Боту ижодларининг дастлабки миллий руҳдаги намуналарига асосланиб, уларни ўзбек адабиётидаги миллатчилик кўринишлари сифатида нотўғри баҳолайди. Бундай бирёқлама қарашлар ҳатто унинг "Ўзбек театри тарихидан материаллар" номли китобида ҳам учрайди. Китобда, айниқса, Ҳамзанинг "Фарғона фожиаси", "Лошмон фожиаси" асарларига берилган баҳоларда камчиликлар бор. Лекин шунга қарамасдан, Миён Бузрук Солиҳовнинг 20-30-йилларда ги асарлари қадимий ва янги ўзбек адабиёти, театрига оид материалларга бойлиги, ўша йилларда ўзбек классик ва замонавий адабиёти, театри, фольклори тарихини ўрганишнинг дастлабки босқичлари сифатида муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, бу талантли адабиёт ва театр тарихчиси, фольклоршунос олим 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб асоссиз тарзда миллатчиликда айбланиб, 1937 йил 7 августда ҳибсга олинади. Ҳибснинг иккинчи куни бошланган сўроқ баённомасида унинг шахсий варақасида Миён Бузрук Солиҳов 1891 йил Тошкентда туғилганлиги, шу ердаги Хорошинская кўчаси 7-уйда истиқомат қилиши, Бухоро педагогика институтида ўқитувчи, оиласида рафиқаси Карима Солиҳова, ўғли Мазхар (22 ёшда), қизи Нурия (9 ёшда) бўлганлиги қайд этилган. Ўша йилнинг 29 ноябридаги терговда уни инқилобга қарши пантуркистик ташкилотга аъзолиги учун қамалгани ва шу ҳақда кўргазма бериши талаб қилиниб, унинг топшириғи билан 1920 йил августда Афғонистонга бориб, ташкилотни қувватлашини айтгани ва шу позицияда туриб, 1921-1924 йиллар Ҳиндистонда ҳам бўлганлиги, сўнг Афғонистондан Туркияга кетиб, 1927 йил СССРга қайтганлиги қайд этилган. Терговчи сўнгги даврда унинг мазкур ташкилотдаги фаолияти ҳақида кўргазма беришини талаб қилганда, Миён Бузрук Солиҳов бу ҳақда шундай жавоб қилган: "Мен сўнгги йилларда революцияга қарши бўлган ҳеч қандай ташкилотга аъзо эмасман ва бу борада қарши иш олиб бормадим. "Миллий иттиҳод"га эса мен фақат 1924 йилгача аъзо эдим. У ҳам бўлса шунчаки расмий бир тарзда эди".

Миён Бузрук Солиҳов бир-ярим йилча қамоқ ва тергов азоблари остида соғлиғидан ажралади, 1938 йил 5 октябрда Тошкентда собиқ шўро жаллодлари томонидан отилади.

30-йилларда шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатида ўша даврнинг Фитрат, Отажон Ҳошимов, Ғози Олим Юнусов каби таниқли адабиётшунос, тилшунос олимлари қатори Миён Бузрук Солиҳов ҳам бегуноҳ қурбон бўлди, унинг мероси узоқ йиллар ўрганилмай келинди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина бегуноҳ жабрланган кўплаб зиёлилар қатори Миён Бузрук Солиҳов ҳаёти ва меросини ўрганишга дадил киришилди. Олимнинг катта ўғли меҳнат фахрийси Мазхар Солиҳов (1912) ҳозир нафақада, Тошкентда яшайди. Шу ердаги маҳалла қўмитасининг раиси. Қизи Нурия Бузрукова (1929) умрининг охиригача Бекободдаги касалхоналардан бирида врач бўлиб ишлаган.

Энди Миён Бузрук Солиҳовнинг ҳаёти ва ижоди, илмий педагогик фаолияти, меросини тўплаб, у ҳақдаги материаллар, замондошларининг хотиралари, тергов ҳужжатларини атрофлича ўрганиш ва уларнинг адабиётшунослик, театршунослик ва фольклоршунослик тарихидаги аҳамиятини холис ёритиш лозим.

Шерали ТУРДИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими

БУЮК САНЪАТКОРЛАРГА ЕЛКАДОШ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов таваллудининг саксон йиллигига бағишланган юбилей кечаси ўтказилди.

— Ўзбек миллий театр ва кино санъатининг атоқли арбоби Зикир Муҳаммаджонов миллий маданиятимизнинг буюк сиймолари— Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов каби устоз санъаткорлар билан саҳнада ёнма-ён ижод қилиш шарафига муяссар бўлган, ўзи ҳам устоз сифатида эл ҳурматини қозониб келаётган етук санъаткордир, — деди кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов. — Ижодкорнинг олтмиш йилдан ортиқ ҳаёти ва ижоди театр билан боғлиқ кечмоқда. Шу йиллар давомида театр саҳнасида уч юздан ошиқ турли мавзу ва жанрларда образлар яратди. Актёр Шекспир асарларидаги Горацио, Бенволио, Фердинанд, миллий драматургиямиздаги Беруний, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Фурқат ва бошқа образлари билан ўзбек театри тарихидан муносиб ўрин олди.

Ш.Аббосовнинг таъкидлашича, ижодкорнинг театр саҳнасида, кино ва видеофильмларда яратган Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Фурқат каби буюк тарихий шахсларнинг образлари санъаткор фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У театр ва кино санъатининг тарғиботчиси сифатида республикамизнинг узоқ туманлари, қишлоқларида кўп маротаба бўлган, халқимиз меҳрини қозонган санъаткордир.

"Туркистон-пресс"

ҚИШКИ БЕЗАКЛАР

Ўзбекистон Бадиий Академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамда Замонавий санъат маркази ҳамкорлигида "Қишки безаклар" бадиий кўргазмасини замонавий санъат марказида ўтказмоқда.

"Қишки безаклар" деб номланган кўргазма — барча ватандошлар ва ўлкамиз меҳмонлари учун кириб келган янги 2002 йилга Ўзбекистон рангтасвир усталарининг янги йил туҳфаси бўлди.

Қиш манзаралари кўргазмаси кенг кўламда бўлиб у турли давр рассомлари — кекса ижодкорлардан тортиб, машҳур ва севимли мусаввирларнинг янги ва ўзгача усулдаги асарлари билан зийнатланди.

Манзаралар тасвир кўлами бетакрор, қизиқарли, бой ва жозибалидир. Республикамизнинг иссиқ ва қуруқ иқлими, қорсиз — қиш ажойиботларию, кумушранг, оқ, марварид, оловранг, бинафша ранглари, улуғвор, нозик табиатнинг қисқа жилоси рассомлар қалбида мужассам бўлган. Айниқса, қиш тоғларда янада ёрқин ва ранго-рангдир. Кўргазмада тоғ манзараси кенг ёритилган. Булар В.Трошинанинг "Сўқоқда қор", "Чорвоқ бўйлаб", В.Есенининг "Чимён оқшоми", Х.Мирзаахмедовнинг "Чимёнда қиш куни" ва И.Шиннинг "Чимён — анҳор бўйлаб" асарларида мужассам бўлади.

Мавзулар дастурининг турличалиги муҳим аҳамиятга эгадир: бу биринчи қор ва оттепео, тонг ва оқшом, тоғ ва водийлар, илк баҳор ва эрта куз, қорли адирлар Ж.Умарбеков, Р.Аҳмедов, Ғ.Қодиров каби рассомлар ижодида ўз аксини топган.

А.Мирсоатовнинг "Бу шундайин ўлкаки..." учлиги ("Қордаги излар", "Қоя тошлар, момиқ қорлар", "Қор остидан баҳор кўринур") маҳобатли кўринишда намойиш этилган.

Маҳорат билан акс эттирилган барча манзаралар кўргазма заллари ва замонавий бинолар интерьерининг бадиий қимматга эга безаклари қаторига киради. Қарангки, инжиқ қиш фасли Тошкентимиз маҳаллалари, эски шаҳарнинг сўлим кўчаларига ҳам ташриф буюрди. Буни биз А.Юнусов ҳамда Р.Худойберганов асарларида, Чорсунинг мовий гумбазлари ва болалар майдончаларини эса А.Слугиннинг қиш манзараларида учратамиз.

Кўпинча тасаввуримиздаги қиш безаклари оппоқ нақшли тўрларда кўринади. Санъатшунос Е.Исҳоқованинг хусусий тўпламларидаги тўрларнинг кўргазмада намойиш этилиши юқоридаги фикримиз далилидир.

Замонавий қиш эртагини қиш оҳанглари билан уйғунлашиб кетган бадиий шишаларсиз тасаввур этиб бўлмас. Бу мавзуда рассомлар Дудин ва Егоров анчадан бери сермаҳсул ижод қилиб келмоқдалар. Шу ўринда уларнинг "Шишага нақш солган Муз" асарини таъкидлаш жоиз.

Тақдим этилаётган мазкур кўргазмада томошабин ўзбек рангтасвир мактаби борасида умумий тасаввурга эга бўлади, ҳамда эстетик завқ ва келгусида маънавий қувват олиши шубҳасиздир.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА

«ТОМОШАБИН ТЕАТРГА БАЙРАМГА КЕЛАЁТГАНДАЙ КЕЛИШИНИ ХОҲЛАРДИМ»

дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Зокирова

Раъно Зокирова ҳаммамиз "Водиллик келин" фильмидаги Асал, "Армон" бадиий фильмидаги қўшни қиз, бир қанча ўзбек телесериалларида яратган чиройли образлари орқали яхши таниймиз.

Истеъдодли санъаткор 1999 йилда А.Қодирий номидаги Тошкент Маданият институтини тугатган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Зокирова билан суҳбатни "Сизга ҳамма нима учун рақкосалик қилмасдан актрисаликнинг бошини тутиб кетдингиз?", деб савол бераверса керак?", дея бошладим.

— Биласизми, 7 йил "Шодлик" ашула ва рақс ансамблида ишладим. Шу вақт мобайнида бир қанча бадиий фильмларда суратга ҳам тушдим. Негадир руҳимга кино ва театр яқинроқдек туюлаверди. Кучли психологик ҳолат талаб этадиган драматик роллар ўйнашим кераклигини ҳис қилдим. Олдимда иккита йўл турганди. Бири театр саҳнасида роллар ижро этиш, фильмларда суратга тушиш, иккинчиси, раққосалик. Рақс бу — спорт. Ҳар куни ўз устингизда тинимсиз ишлашингиз, вазнингизни назорат қилиб туришингиз шарт. Мен профессионал рақс санъати ҳақида гапиряпман. Рақснинг юки оғир. Икки қайиқ бошини тутолмаслигимни англадим ҳамда кино ва театрни танладим.

Аброр Ҳидоятов номидаги театрга ишга келганимга 6 йил бўлди. Шу давр мобайнида бир қанча катта-кичик образлар яратдим. "Бернад Албенинг уйи" спектаклида Адел, "Пайванд"да Лайло, "Ассалом қизлар"да Раъно, "Отелло" спектаклида Дездемона образлари ўзим ҳам севиб ижро этадиган роллардир.

— Сиз жаҳон классик дурдоналаридан бири саналган "Отелло" спектаклида Дездемона образини яратдингиз. Бу ролни бир пайтлар Сораҳоним Эшонтўраева маромига етказиб ижро этганди. Ролни яратишда Сиз дуч келган қийинчиликлар...

— Биласизми, Дездемонани ўзбек саҳнасида биринчи бор Сора Эшонтўраева талқин қилганидан сўнг, Ойдин Норбоева ҳам бир муддат шу ролни саҳнада ижро этди. Давр тақозоси туфайли яна "Отелло" спектаклини саҳнага олиб чиқиш зарурияти туғилди. Бу спектаклни театримизда тожик режиссёри Борзе б ой давомида саҳналаштирган. Афсуски, спектакл репетициясида мен эмас, театримизнинг бошқа бир актрисаси қатнашган. Маълум сабабларга кўра, ролни менга топширишди. Айтмоқчиманки, бу ролни ишлаш жараёнида мен қатнашмаганман ва жуда кўп қийинчиликларга дуч келмадим. Лекин ҳозир агар мен спектакл тайёрланаётган жараёнда иштирок этганимда бошқача бўларди, бу образни кўнгилдагидек очиб бера олардим, деб кўп ўйлайман. Саҳнада Отелло образини яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Элёр Носиров, Ўзбекистон халқ артисти, Яго образини талқин этган Афзал Рафиқовлар менга катта ёрдам беришди. Ҳар томондан қўллаб-қувватлаб туришди. Мен улардан миннатдорман.

— Қандай томошабинларни ҳурмат қиласиз?

— Томошабин актёрга спектакл ёққан-ёқмаганлигини олқишлари, юз-кўзидаги ифодалар орқали билдириб қўяди. Лекин ҳозирги кунда негадир томошабинлар томошабин маданиятини унутиб қўяётгандеклар, назаримда. Чунки улар театрга спектакл томоша қилиш учун, ана шу томошадан маънавий, руҳий қувват олиш учун келаётганликларини ҳис қилмайдилар. Мен театрга томоша учун келаётган кишиларни худди энг яхши байрамга бораётгандек келишларини хоҳлардим. Спектакл ёқмаса ҳам актёрга, мана шу даргоҳда жон куйдириб ишлаётган кишиларга ҳурмат учун ҳам шовқинсиз ўтирган томошабинларни жуда ҳурмат қиламан. Бизнинг театримиз ёш томошабинлар театри. Ёшлар эса бировнинг меҳнатини қадрлашни, инсонга ҳурматни, энг асосийси катта ҳаёт сабоғини мана шу ердан ўрганишлари керак. Маънавий, маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариб кетиш учун ҳам театрга келиш керак.

— Янги йилда қандай образлар яратмоқчисиз? Кўпгина томошабинлар ҳали ҳам Сизни "Водиллик келин" бадиий фильмида яратган ролингиз — Асал деб тасаввур қилишади. Бошқача характердаги роллар ижро этиш ниятингиз борми?

— Албатта, мен кўпинча мулойим, содда ва самимий кўнгилли образлар яратаман. Яъни ижобий. Лекин йиллар ўтиши билан ижодкорнинг ўзи ҳам бир қолипдаги, яъни фақат ижобий роллар ўйнайверса зерикар экан. Яқинда экранларга чиққан "Бахт қадри" филмида Дилбар исмли аёл образини яратдим. Бу дўстига хиёнат қилган аёл образи ва ўз олдимга турли хил образларни ярата оламан, деб мақсад қўйдим. Чўрткесар, шаддод, қаттиққўл аёллар образини саҳнада, экранда жонлантириш ниятидаман.

Япон халқ эртаги асосида, Олимжон Салимов саҳналаштираётган "Турна пати" эртагида бир ажойиб образни талқин этяпман. Янги йил байрами туфайли ишимиз тўхтаб турибди. Болажонларнинг қишки таътиллари ниҳоясига етгач, ишимизни давом эттирамиз.

—Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди.

"БОЙВАЧЧА" ФИЛЬМЛАР

Кўпчилик йил якунида ва янги йил бошида сарҳисоб қилишга ўрганиб қолган. Йилнинг энг машҳур кишиси, йилнинг энг ҳайратли воқеаси, йилнинг энг яхши футболчиси ва ҳоказо. Бундай номинациялар йилнинг энг яхши фильми ва йилнинг энг кўп даромад келтирган экран асари мавзусида ҳам ўтказилади.

Йилнинг энг кўп даромад келтирган фильмлари дейилганда бир гуруҳ киноижодкорлар ва киноишқибозлар машҳур "Титаник" фильмини айтишган бўлсалар, яна бир гуруҳ "Юлдузлар жанги" фильмини кўрсатишди, учинчи гуруҳ эса "Ўзга сайёралик аёл" фильмини бир йилда энг кўп пул ишлаган фильм сифатида тан олишди.

Гап Америка кинолари устида бораётганлигини ҳисобга олиб баъзи мулоҳазаларни келтириб ўтамиз. Жеймс Камерон режиссёрлигида суратга олинган, 1912 йилда ҳалокатга учраган ўша машҳур "Титаник" кемасининг ҳалокати ва юксак севги-муҳаббатни экранда жонлантирган бу фильм 1999 йилнинг энг яхши фильми бўлганлиги ва 12 номинация бўйича Америка киноакадемиясининг "Оскар" мукофотини қўлга киритганлигини эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.Ўша фильмда бош ролни ижро этган Леонардо Ди Каприо эса ҳамманинг ёқимтойига, севиклисига айланганди. Бу фильм ўтган асрнинг шоҳ асари деб тан олинган бўлса, янги асримизнинг биринчи йили якунида ҳам энг сердаромад фильми деб қайд этилди.

Қайси фильм ўз ижодкорларига кўпроқ даромад келтиради, деб сўралаётган бир пайтда бу бадиий фильмлар рўйхатида "Юлдузлар жанги-II", "Юра эрасининг боғи", фильмлари ҳам бор эди.

Киношунослар фақатгина 2001 йилда суратга олинган бадиий фильмлар орасидан энг кўп даромад келтирган фильмлар рўйхатини тузишмади, балки барча халқлар ўртасида ва замонларда энг зўр бўлган, миллионлаб долларларни ишлаб топган 10 та фильм рўйхатини эълон қилишди.

Мана Америка ва дунё кинопрокатидаги миллионер фильмлар:

1. "Titanik" (1997) 600 788 188 млн.доллар
2. "Star Wars (1977) 460 998 007 млн. доллар
3. "Star Wars: Episode One — The Phantom Menace (1999) 431 088 295 млн. доллар
4. E.T. — the Extra- Terrestrial (1982) 399 804 539 млн. доллар
5.Jurassic Park (1993) 357 067 947 млн. доллар
6. Forrest Gump (1994) 329 694 499 млн. доллар
7. The Lion King (1994) 312 855 561 млн. доллар
8. Return of theJedi (1983) 309 153 948 млн. доллар
9. Independence Day (1996) 306 169 255 млн. доллар
10. The Sixth Sense (1999) 293 506 292 млн. доллар

Ўтган сонларнинг бирида кўп даромад келтирган Америка мультфильмлари ҳақида гапирган эдик. Ўшанда энди Америка киноижодкорлари оммавий тарзда мультфильмлар ишлашни бошламаса эди, деган фикрни билдириб ўтгандик. Аслида бизнинг хавотиримиз ноўрин экан. Негаки, Америка фильмлари ҳам "кўки"дан топишда мультфилмлардан қолишмас экан.

Ҳурматли муштарий! Яқинда атоқли ўзбек адиби Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедияси асосида тайёрланган кўп серияли видеоспектакль Ўзбекистон телевидениеси орқали муваффақиятли намойиш этилганидан хабарингиз бор. Агар ёдингизда бўлса, ана шу спектаклда Мирзо Улуғбек қатл этилганидан кейин унинг оҳу фарёдлари ифодаланган қўшиқни ёш хонанда Аслиддин Дўстов маҳорат билан маромига етказиб ижро этди.

Қуйида ана шу қўшиқ ғазали муаллифи бўлмиш Мурод Калонхон (Калоний)нинг буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек фожеасидан таъсирланиб ёзган туркум шеърларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ШАФҚАТ ҚИЛМАДИНГ

Бевафо очун, нечун султонга шафқат қилмадинг,
Темурийлар насли - пок ўғлонга шафқат қилмадинг,
Маърифат бўстонида тобонга шафқат қилмадинг,
Эл-улусга жон фидо инсонга шафқат қилмадинг,
Яхшилик, поклик учун имконга шафқат қилмадинг.

Беқиёс зулматда порлаб чиқди у гўё шарор,
Тожу тахт, шоҳликни этди маърифатга дастёр,
Нурият душманларин ашкини айлаб шашқатор,
Ҳаммадан ҳақлик, адолатни билибдир устувор,
Халқ дилин дардига чин дармонга шафқат қилмадинг.

Ул кавокиб оламида мисли офтоб кас эди,
Коинотнинг сеҳри бирла доимо сармаст эди.
Унга қасд қилган жаҳолат аҳли ғоят паст эди,
Қадри йўқ тирноқча ҳам, гўёки хору хас эди.
Илму фан осмонида хоқонга шафқат қилмадинг.

Салтанатнинг вориси бўлмиш у жоҳил оқпадар,
Тожу тахтга дом қўйди, водариғо, беҳазар,
Қиблагоҳин кўксига урдирди ханжар, алҳазар,
Ул падаркушдан башар этгай ҳазар, этгай ҳазар,
Номи олам жисмида достонга шафқат қилмадинг.

Тун тиниқ тонг отмоғидан муттасил бергай дарак,
Тарих ажратгай, Калон, кимлар пучу кимлар сарак,
Ўзбекистон шаънига Мирзо Улуғбеклар керак,
Бу улуғ инсонга ҳурмат бирла тўлгандир юрак,
Беаёв тақдиридан армонга, шафқат қилмадинг.

МИРЗО УЛУҒБЕК ФАРЁДИ

Фалак, томинг бузилсин чеккан оҳу нола, додимдан,
Наҳот бевақт ўлим топдим ўзимнинг зурриёдимдан.

Менинг шўрлик бошимга хўп балолар ёғди, фарёдким,
Харобдурман, дилимда қайғу бисёр бўлди шодимдан.

Бу аччиқ қисматим недан экан ҳаргиз билолмасман,
Бобом Темур васият қилгани чиққанму ёдимдан.

Нечун тақдир қаҳр бирла ғазабкор бўлди, ўч олди,
Ки зулмат аҳлига қилган менинг нурли жиҳодимдан.

Аё дўстлар умр янглиғ экан ўткинчи шоҳлик ҳам,
Ўтинчим бор элим баҳра олур илму ижодимдан.

ПАДАРКУШ АРМОНИ

Ёронлар, мен жудо бўлдим баногоҳ шоҳсуворимдан,
Бутун олам чекар қайғу фиғоним, оҳу зоримдан.

Отам пушту паноҳим, қиблагоҳим эрдилар, найлай,
Етимман, энди қон йиғлаб чиқарманму хуморимдан.

Тўкилдим мисли япроқдек ва ё келганми куз фаслим,
Наҳотким айрилиб бўлдим сўлим ёзу баҳоримдан.

Нетай қолдим дилим ўксиб, ғариб, бечораҳолдирман,
Отамдек ҳеч киши олмас хабар очу наҳоримдан.

Отам ёруғ жаҳоним, меҳрибоним, жонга жондирлар,
Отамни соғиниб ўлсам фиғон чиққай мозоримдан.

Кириб шайтон сўзига, оҳ, падаркуш, оқпадар бўлдим,
Умрбод энди лаънат эшитгум эл-диёримдан.

Калоний шеъридан ҳикмат узилса энди тонг йўқдир,
Кетар файзу кетар қут ҳам, бирodарлар, бозоримдан.

Мурод КАЛОНХОН

1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Лутфуллаева Дилафрўз Бахтиёровна номига берилган № 269845 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Маърифат" газетаси жамоаси газетанинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари Маҳкам Раҳмоновга опаси

Зарифа ая ЖЎРАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва кимё факультети жамоаси шу факультетнинг "Органик кимё" кафедраси доценти Ҳабибулло Тожимуҳамедовга отаси

Сайфулла ота ТОЖИМУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ЮРТИМИЗ ЖАСУР ЎҒЛОНЛАРИ

Ғойибона тутинган укам Эломон Холмурод ўғлининг ёркин хотирасига бағишлайман

Ватанни севиш ва ардоқлаш ҳар бир инсоннинг ички кечинмасида турлича кечади. Шундай кечинмалар мавжудки, уларни на сўз, на бир ҳаракат билан ифода этиб бўлади. Ватан ҳақидаги бундай кечинма ва ҳис-туйғу учун жуда кўплаб инсонлар ширин жонлари ва пок иймонларини бахшида қилганлар ва келгусида ҳам у давом этаверади. Зеро, бу хилдаги фарзандлари бор юрт ҳамиша ҳур ва дахлсиз яшайди.

Халқимизнинг қалбига армон солиб кетган ўғлонларимизни бугунги кунда хотирлаш ва соғинч ила эслаш бизлар учун ҳам фарз, ҳам қарз! Ана шундай жасур ўғлонлардан бири сирдарёлик Эломон Холмурод ўғлидир.

Укам Эломон! Сен ўз Ватанинг ҳимояси учун ширин жонингни фидо қилдинг.

Сизларнинг орзу-ҳаваларингиз ота-онангиз, қавму қариндошларингиз билан бирга халқимиз қалбида ўчмас бир армон бўлиб қолди. Бу ҳолатни сизларнинг оналарингиздан бирининг берган оқ сутидан рози бўлиб ёзган мактубини ўқиб бераётганида Юртбошимизнинг ҳолати миллионлаб ватандошларимизга ҳам кўчиб, кўзлардан алам ёшлари оққанлиги айни ҳақиқатдир.

Укам Эломон! Сенинг отанг ва онангнинг ҳам иймонлари пок эканлигига далилий ҳужжат излаб топдим. Агар инсоннинг кўнгли пок, эътиқоди мустаҳкам бўлса, уни фаришталар ҳеч қачон тарк этмайдилар. Уларнинг қалбидаги орзу-тилакларини Яратганнинг ҳузурига етказадилар. Билишимча, туғилганингда ота-онанг элимиз, халқимиз омонлиги учун курашадиган жасур ўғлон бўлсин деб, сенга Эломон деяном қўйган эканлар. Сен бу исмни мустаҳкам иродаю азиз жонингни фидо айлаб, шараф билан оқладинг. Бу мен топган ўша далилий ҳужжатдир.

Мактабда ўқитувчилар ҳаёти давомида минглаб ўқувчиларга таълим ва тарбия берадилар. Лекин уларнинг қалбида ҳаммаси ҳам қолавермаслиги табиий бир ҳол. Лекин шундай шогирдлар бўладики, уларни муаббийлар ўз фарзандларидан ҳам аъло кўрадилар. Мана сен ҳақингда муаллиманг Назира Давронова шундай шеър битибди:

Болам яшайдирсан қалб
тўримизда,
Сен жон фидо қилдинг,
эл қолди омон,
Ўзбекистон халқи унутмас сени,
Руҳинг шод бўлсин, ўғлим
Эломон!

Мард йигитнинг дунёга келиши ота-онаси учун шоду хуррамлик, кетиши улар қатори халқ учун ҳам қайғули.

Укам Эломон! Сен ва сафдошларинг кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида кўплаб шеър ва ҳужжатли фильмлар яратилди ва бундан кейин ҳам яратилаверади. Жасоратларинг келажак авлод учун олий ибрат бўлиб қолиши, шубҳасиздир.

Шукрулло РАСУЛОВ,
Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 22-мактаб директори

SO'Z O'YINI

A

1) Sochdagi kepak
2) Sut mahsuloti
3) Muzday emas
4) O'tkirlovchi tosh
5) Bosh kiyimi
6) Baliq ovi quroli
7) Unashtirilgan qiz
8) Qanday? Qanaqa?
9) Mustahkam, mahkam
10) Juda kambag'al
11) Azob-uqubat
12) Tik emas, egilgan
13) Baliq qiltanog'i
14) Turkiy xalq
15) O'taketgan tullak
16) Sohil, bo'y, yoqa
17) Aholi punkti
18) Donning po'sti
19) Ortib qolgan
20) Idish yopqichi
21) Tez qochadigan
22) Xushchaqchaq
23) Tuxumli taom
24) Hayvon dumi
25) Minnatdorman
26) Qum qoplagan joy
27) Oshqovoq, qorin
28) Qo'g'irchoq
29) Qurg'oqchil, quruq
30) Qo'l osti
31) Qo'noq, qo'nolg'a
32) Yuragi yo'q, "yurak"

Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	A				Q
Q	I				Q
Q	I				Q
Q	I				Q
Q	I				Q
Q	I				Q
Q	I				Q
Q	I				Q
Q	O				Q
Q	O				Q
Q	O				Q
Q	O				Q
Q	U				Q
Q	U				Q
Q	U				Q
Q	U				Q
Q	U				Q
Q	U				Q
Q	O'				Q
Q	O'				Q
Q	O'				Q

B

1) Moviy rang
2) Adovat, gina
3) Kaklik
4) Karkidon
5) Husn, chiroy
6) Baland imorat
7) Chuqurcha, bo'shliq
8) To'rtburchak
9) Qazg'oq
10) Zarur, lozim
11) Kerilgan
12) Guvala bo'lagi
13) Ohu
14) Katta emas
15) Itning bolasi
16) Yordam, madad
17) Musobaqa
18) G'o'za hosili
19) Sayroqi qush
20) Befarosat
21) Uriladigan tayoq
22) Rezina daraxti
23) Old tishi yo'q
24) Qovoqdagi tuk
25) Novda, barg
26) Ko'm-ko'k
27) Ko'ksi, siyna
28) Qo'riqlovchi it
29) Yosh asira
30) Chiroyli hasharot
31) Istiqbol
32) Uzum bargi: taom

K		K					
K		K					
K			K				
K			K				
K			K				
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K				K			
K					K		
K					K		
K					K		
K					K		
K					K		
K					K		
K					K		
K					K		
K						K	
K						K	
K						K	
K						K	

Tuzuvchi:
Davronbek TOJIALIYEV

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РА-ҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-39.
Тиражи 27539 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга тайёрлаш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00